# 3.650.000 ТОННА ТАЙЁР!

## Мажбурият ҳам шараф билан бажарилди

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 258 (13.214).
3 НОЯБРЬ 1965 йил
ЧОРШАНБА
*Баҳоси 3 тийин.*

## БУНГА КИМ ҚАНЧА ҲИССА ҚЎШДИ?

АНДИЖОН ОБЛАСТИ 743,5 МИНГ ТОННА, ФАРҒОНА ОБЛАСТИ 470 МИНГ ТОННА, СИРДАРЁ ОБЛАСТИ 403 МИНГ ТОННА, САМАРҚАНД ОБЛАСТИ 358 МИНГ ТОННА, ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ 344 МИНГ ТОННА, ХОРАЗМ ОБЛАСТИ 327 МИНГ ТОННА, БУХОРО ОБЛАСТИ 296 МИНГ ТОННА, СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ 289 МИНГ ТОННА, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР 230 МИНГ ТОННА, ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ 189,5 МИНГ ТОННА.

# ТОЖИКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларидан руҳланган Тожикистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта тайёрлаш давлат планини ўтган йилдагидан анча барвақт бажардилар. Республика колхоз ва совхозлари 2 ноябргача 545,1 минг тонна «оқ олтин» сотдилар, бу эса ўтган йилнинг шу вақтидагидан 145 минг тонна кўпдир.

Тожик пахтакорлари бу йил пахтадан энг юқори ҳосил олдилар ва унинг сифати аъло даражада бўлди. Ҳозиргача гектар бошига ўрта ҳисобда 24 центнер пахта териб олинди. Ҳосилнинг 95 процени биринчи сортлар билан, шу жумладан, 99,2 процени ингичка толали сортлар билан сотилди.

Давлат заказини республикада биринчи бўлиб бажарган ва гектар бошига 26 центнердан ҳосил олган Хўжанд районининг колхозлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Шахритуз районининг пахтакорлари ҳам гектар бошига ўрта ҳисобда 26 центнердан ингичка толали пахта олиб, меҳнатда яхши ғалабага эришдилар. Ўртача узунликдаги совет сортларидан 33,4 центнердан ҳосил олган Регар районининг колхозлари ва 30,6 центнердан пахта олган Восе районининг колхозлари шу навли пахтани етиштиришда энг юксак кўрсаткичга эришдилар. Кўрғондаги Мастчоҳ районининг пахтакорлари пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажариб ва ҳосилнинг ярмини машиналарда териб олиб, қишлоқ хўжалик йилини яхши натижалар билан тугаллашмоқдалар. Пархар, Нов, Кўлоб, Куйбишев, Москва, Ленин, Ашт ва Данғара районларининг хўжаликлари пландан ташқари кўпгина пахта топширдилар.

Республикада ингичка толали пахта етиштирувчи энг йирик Вахш районининг колхоз ва совхозлари, шунингдек Кумсангир, Колхозобод, Ҳисор, Конибодом ва бошқа районларнинг хўжаликлари йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар ва планни бажарай деб қолдилар.

1965 йил қишлоқ хўжалик машиналарини янада ошириш, комплекс механизацияни жорий этиш ва химиялаштириш йили бўлиб қолди. Колхоз ва совхозларда 465 та комплекс механизация бригадаси ташкил этилган. Пахтанинг 82 минг тоннасидан ортиғи машиналарда териб олинди. Вахш водийсининг колхозлари ингичка толали пахтани машинада териб олишни биринчи марта кенг равишда жорий этмоқдалар. Пахта териш машиналарининг юзлаб ҳайдовчилари ҳосилни машинада теришда-ўрнак кўрсатдилар. Давлат заказини муддатидан олдин бажаришга ҳосилни узлуксиз ташиб бериш ва кабул этишни таъминлаган транспорт ва тайёрлаш пунктларининг ходимлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар.

СССР Министрлар Советининг пахтачиликни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги қарори пахта етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга катта таъсир кўрсатди.

Республиканинг колхоз ва совхозлари қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам муваффақиятларга эришдилар. Қорақўл тери, жун, пилла, дон ва полиз экинлари, узум сотиш планлари бажарилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги ва КПСС-нинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани қизитиб, давлатга қўшимча равишда камида ўттиз минг тонна пахта сотиш, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш топшириғини бажариш, чорва қишловини яхши ўтказиш мажбуриятини олдилар. Республика колхоз ва совхозлари янги қишлоқ хўжалик йилига тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар, ерларни шудгор қилиб қўймоқдалар ва бошқа кузги-қишки ишларни бажармоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН ССРДА РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИНИНГ ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССРдаги район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг ваколатлари 1965 йил декабрь ойида тугаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССРда район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьяларини сайлаш 1965 йил 19 декабрь якшанба кунига белгилансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.**

1965 йил 2 ноябрь
Тошкент шаҳри.

## ДЎСТОНА ВИЗИТ

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Г. Игнатовнинг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Марказий Африка Республикасининг вице-президенти Марсель Дузима 1 ноябрь куни кечқурун Ўзбекистон пойтахтига келди. Марказий Африка Республикасининг бош прокурори Виликтон ва ана шу мамлакатнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Огюст М. Бое Марсель Дузима ва унинг рафиқаси билан Тошкентга келдилар. СССР Олий Советининг депутати, Татаристон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Г. Ботиев мамлакат бўйлаб сафарда ҳурматли меҳмонга ҳамроҳлик қилмоқда.

Тошкент аэродромида Марказий Африка Республикасининг вице-президенти келиши шарафига Марказий Африка Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР байроқлари кўтарилди. Меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев, республика Олий Совети Президиумининг Секретари Р. Сахибоев, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати М. Мақсумов, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари, журналистлар кутиб олдилар.

2 ноябрь эрталаб Марсель Дузима ва унинг ҳамроҳлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ҳузурида бўлдилар. Визит вақтида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

Марказий Африка Республикасининг вакиллари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумига, Республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига бордилар. Улар Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози билан, колхоз пахтакорларининг иш тажрибаси билан қизиқиб танишдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ҳурматли меҳмон шарафига зиёфат берди. Самимий дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида нутқлар сўзланди.

(ЎзТАГ).

## 2 НОЯБРГАЧА „ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИ

### Республикада пахта тайёрлашнинг борими

(Планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ХОРАЗМ | 0,50 | 112,65 | 1,07 | 85,39 |
| ТОШКЕНТ | 0,27 | 110,79 | 0,12 | 112,45 |
| САМАРҚАНД | 0,50 | 105,14 | 0,03 | 74,16 |
| СУРХОНДАРЁ | 0,53 | 104,71 | 0,05 | 96,15 |
| ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР | 0,62 | 102,23 | 0,53 | 75,83 |
| ФАРҒОНА | 0,24 | 100,50 | 0,14 | 91,83 |
| Қашқадарё | 0,38 | 99,53 | — | 37,05 |
| Андижон | 0,64 | 96,77 | 0,19 | 80,79 |
| Бухоро | 0,37 | 95,88 | — | 27,46 |
| Сирдарё | 0,95 | 93,19 | 0,26 | 108,25 |
| Ўзбекистон ССР бўйича: | 0,52 | 101,12 | 0,24 | 86,75 |

Республикада 1 ноябрь куни 18784 тонна пахта тайёрланди.

# ЯНА БИР КАТТА ҒАЛАБА

*Республикамиз сабзавот-полиз экинлари, мева ва узум етиштириш планларини бажарди*

Яна бир катта ғалабага эришилди: КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлатга сабзавот-полиз экинлари, ҳўл мева ва узум сотиш йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар.

Қабул пунктларига 346 минг тоннадан зиёд сабзавот етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу вақтидагидан 35 минг тонна кўпдир.

Давлатнинг сабзавот етиштириш бўйича план — заказини республикада биринчи бўлиб Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм, Тошкент ва Фарғона областлари бажардилар.

Тошкент области колхоз ва совхозлари катта ҳисса қўшдилар. Улар давлатга 147 минг тонна сабзавот сотдилар. Самарқанд области — 58,5 минг тонна, Андижон области — 44,6 минг тонна, Фарғона области — 38,5 минг тонна сабзавот сотдилар.

— Республикада сабзавот етиштирувчи энг йирик хўжаликлар — Калинин, Оржоникидзе ва Самарқанд районларининг ихтисослашган хўжаликлари йиллик планларини ошириб бажардилар ва қўшимча олинган юксак мажбуриятлари ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

Калинин районининг «Октябрь», генерал Собир Раҳимов номли колхозлари, «Қора сув» ва «Бўз сув» совхозлари, Оржоникидзе районининг Фрунзе номли, «Қизил Ўзбекистон» колхозлари, «Қибрай» ва «Хўжакент» совхозлари, Самарқанд районининг «Москва» ва Энгельс номли колхозлари, 5-совхози комплекс механизацияга асосланиб деҳқончилик маданиятини оширдилар, катта ютуқларга эришдилар. Улар сабзавот етиштириш ва давлатга сотиш планларини анча ошириб бажардилар.

Илғор бригадалар ва звеноларга бу йил юқори ҳосил етиштирдилар.

Полиз экинлари сотиш бўйича социалистик мажбурият ошириб бажарилди: 155 минг тонна полиз экинлари сотилиши нерак бўлгани ҳолда 182,4 минг тонна қовун ва тарвуз сотилди.

Сирдарё область хўжаликлари давлатга 77,5 минг тонна, Тошкент области хўжаликлари 58 минг тонна полиз экинлари сотиб, бу ишга муносиб ҳисса қўшдилар. Шунингдек, Андижон ва Сурхондарё областлари полизчилари ҳам ўз мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар.

Республикада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 минг тонна кўп ҳўл мева, 30 минг тонна кўп узум тайёрланди. Жами бўлиб давлатга 185 минг тонна мева ва узум сотилди. Мажбурият ҳам ортиғи билан бажарилди.

Тошкент области боғбонлари қабул пунктларига 14 минг тонна яқин сабзавот етказиб бериб планни 126,8 процент бажардилар. Фарғона области боғбонлари 6,9 минг тонна мева сотиб, планни 137,7 процент адо этдилар. Сирдарё, Бухоро ва Хоразм областлари мева топшириш планларини анча ошириб бажардилар.

«Фарғона» совхозининг Сотволди Абдуллаев, Ваҳоб Хаттобов, Солижон Ҳасанов бошлиқ боғдорчилик бригадалари юқори ҳосил олишга эришдилар. Улар ҳар гектар ердан 313,357 центнердан, «Қибрай» совхозининг Умри Ғиёсҳўжаева бошлиқ бригада аъзолари эса ҳар гектар ердан 518 центнердан ҳосил олдилар.

Тошкент область колхоз ва совхозлари давлатга 36 минг тонна узум сотиб, планни 117 процент, Самарқанд область колхоз ва совхозлари 32 минг тонна узум сотиб, планни 109,5 процент қилиб адо этдилар. Андижон, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё областлари узум топшириш планини ортиғи билан бажардилар.

Бу йил илғор соҳибкорлар катта ютуқларга эришдилар. Самарқанд районидаги Энгельс номли колхознинг ўртоқ Неъматов бошлиқ бригадаси ҳар гектар ердан 240 центнердан узум олди ва бу соҳадаги планни икки баравар ошириб бажарди. Самарқанд областидаги 1-«Булунгур» совхозининг ўртоқ Эгамқулов бошқараётган бўлим коллективи 218 гектар ернинг ҳар гектаридан 153,5 центнердан узум олди. Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозининг ўртоқ Йўлдошев бошлиқ бригадаси ҳар гектар ердан 202 центнердан, шу совхознинг ўртоқ Мирзаҳўжаев бошлиқ бригадаси ҳар гектар ердан 185 центнердан узум олди.

Республика матлубот кооперацияси ходимлари сабзавот, мева, полиз экинлари, узум тайёрлаш ва давлатга сотиш бўйича катта ишлар қилдилар. Улар пландан ташқари 30 минг тонна сабзавот тайёрладилар. Сирдарё, Тошкент, Андижон, Фарғона ҳамда республикамизнинг бошқа областлари кооператорлари сабзавот тайёрлаш планларини ошириб бажардилар.

Мамлакатнинг саноат марказларига умумиттифоқ фонди бўйича 83 минг тонна сабзавот, 121 минг тонна полиз экинлари, 12 минг тонна мева ва 16 минг тонна узум етказиб берилди. Бу пландан деярли икки баравар кўпдир.

Ихтисослаштирилган боғдорчилик-узумчилик совхозларининг меҳнаткашлари мева ва узум топшириш ҳамда уларни умумиттифоқ фондига етказиб беришга катта ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон темир йўл ва автомобиль транспорти, шунингдек, граждан авиацияси ходимлари сабзавот, мева ва полиз экинларни ташишни ўтган йилдагидан кўра яхши ташиб этдилар.

Тайёрлов, савдо ташкилотлари ва маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарининг коллективлари республика аҳолисини қиш мавсумида сабзавот, мева билан таъминлаш бўйича оширилган мажбуриятлар олдилар.

Давлатга сабзавот маҳсулотлари топшириш ва сотиш давом этмоқда.

Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги ва КПСС-нинг навбатдаги XXIII съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари қолган ҳосилни қисқа муддат ичида йиғиб-териб олиш ҳамда 1966 йилда картошка, сабзавот, мева, узум ва полиз экинларидан юқори ҳосил олишнинг мустаҳкам асосини яратиш мажбуриятини олдилар.

## КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

### ВЦСПСнинг VII ПЛЕНУМИ

Биринчи ноябрда Москвада ВЦСПСнинг VII пленуми очилди. Пленумнинг кун тартибида икки масала бор:

— КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисидаги қарори муносабати билан касаба союзларининг вазифалари ҳақида.

— Касаба союзлари олтинчи жаҳон конгрессининг якунлари тўғрисида.

Биринчи масала юзасидан ВЦСПС раиси В. В. Гришин доклад қилди.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бошланди. Пленум ўз ишини давом эттирмоқда. (ТАСС).

# ПАХТАКОРЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

ОЙБЕК — Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

У. ОРИФОВ — Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг президенти.

Ш. БУРҲОНОВ — СССР халқ артисти, Ҳамза мукофоти лауреати

С. АЗИМОВ — Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги.

А. ВОҲИДОВ — Наманган шаҳридаги бинокорлар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиуми чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги идеология комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири, СССР Олий Советининг депутати ўртоқ Дмитрий Алексеевич **Поликарпов** 1965 йил 1 ноябрда вафот этди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

## ҒАЛАБА, МУБОРАК ДЎСТЛАР!

**ОЙБЕК.**

Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги арафасида бепоён пахтазорлар бағридан Чотқолдай улкан хирмон кўтарган, Ватанимиз қудратига қудрат қўшган меҳнаткаш, фидокор халқимнинг улкан ғалабаси мени беҳад қувонтирди.

Табиат инжиқликларини мардонавор енгиб ўтолган, меҳнатда мўъжиза кўрсатган, оқ пахтасидай калби беғубор халқнинг кураши ва зафарини улуғлайдиган асарлар яратиш — ёзувчиларимизнинг муқаддас вазифасидир. Пахта майдонларининг ажойиб жонкуярлари — Турсунойлар, Жаводлар, Мамажонлар, Маннопплар ҳақида шеъриятимиз, насримиз тўлиб-тошиб, ҳаяжон билан куйлаши керак.

Пахтамизнинг ойдин йўли коммунизмга элтади халқимизни. Ана шу ойдин йўл ижодкорларини чин юракдан қутлайман, уларга янги-янги ғалабалар тилайман.

## ИККИНЧИ ДОВОН

**У. ОРИФОВ.**

Партия ва ҳукуматимиз пахтачиликни ривожлантириш ишига йил сайин катта эътибор бериб келмоқда. Айниқса, кейинги вақтларда олимлар билан деҳқонларимиз ўртасидаги алоқа тобора мустаҳкамланаётганлиги сабабли пахтачилигимизга янги-янги техникавий воситалар кириб келди.

Республикамиз меҳнаткашлари яқингинада биринчи довондан ошдилар — пахта тайёрлаш планини шараф билан бажардилар. Мана энди иккинчи довон — олинган мажбурият ҳам муддатидан олдин адо этилди. Шу ютуқларни қўлга киритишда сидқидилдан меҳнат қилган ажойиб деҳқонларимизни олимлар номидан қизғин табриклайман.

## РАҲМАТ, АЗИЗЛАР!

**Шукур БУРҲОНОВ.**

Пахтамиздан тоғ-тоғ хирмонлар жуда эрта — октябрь ойидаёқ кўтарилганлиги дилларни севинчга тўлдирди. Дилларни севинчга тўлдирган кишилар — моҳир механизаторлар, чевар теримчилар, чарчамас ҳашарчилар, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг новаторларидир.

Улуғ айём кунида ана шу азиз пахтакорларга таъзим қиламиз. Биз санъаткорлар ҳаммамизнинг қалбимизга яқин бўлган меҳнатсевар пахта усталарининг ажойиб образларини яратиш устида тинмай меҳнат қилишга ваъда қиламиз.

## ТАЪЗИМ ҚИЛАМИЗ

**С. АЗИМОВ.**

Баъзан кишида шундай ҳолат ҳам бўладики, юз берган воқеанинг буюклигидан, улканлигидан тили лол бўлиб қолади. Чиндан ҳам халқимиз ғоят катта ғалабани қўлга киритди, «оқ олтин» тайёрлаш бўйича олган мажбуриятини ҳам сал кунда адо этди. Мана шундай тантанали кунда шу ғолиб халқимизнинг оддий фарзанди сифатида бир-икки оғиз ширин сўз айтишга ҳаракат қиляпман-у, лекин тўлқинланиб кетяпман...

Қайта-қайта таъзим қиламиз. Сизларга, азиз деҳқонларимиз.

## ҚУТЛОВ

**Абдулла ВОҲИДОВ.**

Мана бугун «оқ олтин» ўлкасида тўйу тантана авжга чиқмоқда. 3 миллион 650 минг тоннадик улкан хирмон кўкка бўй чўзиб турибди. Лафзи ҳалол Ўзбекистон меҳнаткашлари бу сафар ҳам зўр ҳиммат кўрсатдилар, ваъдаларига вафо қилдилар.

Шу қутлуғ дамларда пахтакор элнинг бир фарзанди сифатида елкадош дўстларимизга — пахтакорларга ишчиларнинг табаррук саломини, қутловини етказишни ўз шарафли бурчим деб ҳисоблайман. Балли сизга, пахтакор азаматлар!

## ВЕТЕРАНЛАРНИНГ ҚИЗҒИН ТАБРИГИ

Биз, шахсий пенсионерлар, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ветеранлари жуда буюк ғалаба—пахта тайёрлаш йиллик планининг республикада муддатидан илгари бажарилганлиги муносабати билан Ўзбекистон пахтакорларини чин юрагимиздан қизғин муборакбод қиламиз.

Биз, кекса большевиклар, қаттиқ ишонамизки, Ўзбекистон меҳнаткашлари улуғ Совет Ватанимиз олдида олган юксак социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этадилар.

Ф. Н. Желтиков — 1917 йилдан КПСС аъзоси, Ш. Азимов, К. Маъзумов, С. Тошхўжаев, Р. Шермуҳаммедов — 1918 йилдан КПСС аъзолари, Г. Е. Нагаев, А. Нуруллин, М. Тўраев, Н. Хўжаев — 1919 йилдан КПСС аъзолари, А. А. Абдурахмонов, Р. Усмонов — 1920 йилдан КПСС аъзолари, Х. Салимов — 1924 йилдан КПСС аъзоси, Х. Раҳматуллаев — 1925 йилдан КПСС аъзоси, И. Ҳошимхўжаев — 1926 йилдан КПСС аъзоси ва бошқа ветеранлар.

# ЗАФАР МУБОРАК, ҚАРДОШ ТОЖИКИСТОН!

## ТОЖИКИСТОН ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

## ПАХТАКОРЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ

А. ҚАҲҲОРОВ,
Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси.

□ □

Партиямизнинг XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашнинг конкрет программасини белгилаб берди. Тожикистон партия ташкилотлари ва барча меҳнаткашлари съезд ва Пленум қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун изчиллик билан кураш олиб бормоқдалар.

Пахтачилик — Тожикистон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Кейинги йилларда ана шу қимматли хом ашёни етиштириш бирмунча кўпайди. Айниқса бу йил пахтачиликни юксалтириш, ялпи ҳосилни ва ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ошириш соҳасида яхши натижаларга эришилди. Пахтакорлар сув камчиллиги туфайли юз берган қийинчиликларга ўзларининг иродаларини, куч-ғайратларини қарши қўйдилар ва барча майдонларда ҳеч қачон кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Пахта етиштиришнинг илғор, прогрессив усуллари собитқадамлик билан кенг жорий этилди, барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилди. Натижада ҳосил ҳар йилдагидан эрта етилди ва уни йиғиб-териб олиш ҳамда давлатга топширишга барвақт киришилди.

Бугун тожик элида катта тантана. Давлатга пахта сотиш плани ўтган йилдагидан бир ярим ой илгари муваффақиятли бажарилди. Она-Ватанга 545 минг тонна, шу жумладан 200 минг тоннадан кўпроқ ингичка толали «оқ олтин» етказиб берилди. Тайёрланган пахтанинг кўп қисми биринчи сортларга қабул қилинди. Тожикистон пахтачилиги тарихида илгари ҳеч қачон бунчалик кўп ҳосил етиштирилмаган ва давлатга бу йилгидек кўп пахта сотилмаган эди.

Мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистондан кейин тожик халқи эришган бу ғалаба совет пахтачилигини юксалтириш йўлида, коммунизм мўл-кўлчилигини вужудга келтириш йўлида илгари томон қўйилган ғоят катта қадамдир.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш, деҳқончилик маданиятини ошириш учун кураш — республика партия ташкилоти олдида турган асосий вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Партия ташкилотлари, барча коммунистлар пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни, айниқса ҳосил йиғим-теримини машиналаштириш учун курашни тўғри ташкил этдилар. Ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир пахтанор ва механизатор машиналарда имкони борича кўпроқ пахта теришга интилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 80 минг тонна пахта «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Пахтачиликни юксалтириш соҳасида эришилган бу муваффақиятлар КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошириш учун партия, совет, қишлоқ хўжалик ташкилотлари, пахтакорлар, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари олиб борган курашнинг натижасидир. Республикамиз бу йил жуда кўп техника, минерал ўғитлар, заҳарли моддалар — пахтачиликни юксалтириш учун нималарни зарур бўлса ҳаммасини етарли миқдорда олди. СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришдан колхозлар ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори мўл ҳосил етиштириш, давлатга кўпроқ биринчи сортли пахта сотиш ва планни муддатидан илгари бажариш учун олиб борилган курашнинг ҳаракатлантирувчи омилларидан бири бўлди.

Республика колхоз ва совхозлари пахтачиликни юксалтириш учун яратиб берилган имкониятлардан кенг фойдаландилар. Чигит қисқа муддатда сифатли қилиб экилди ва барча майдонда бир текис ундириб олинди. Маълумки, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда тўла гектар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Пахтакорлар буни ҳисобга олиб, ҳар гектар ерда юз минг кўчат бўлишини таъминладилар. Ингичка толали пахта етиштириладиган майдонларда эса ҳар гектар ерда 110-120 минг туп кўчат бўлишига эришилди.

Лекин иш бу билан тамом бўлмади. Республика деҳқонлари ғўзани тез ривожлантириш тадбирларини амалга оширдилар. Экин эрта муддатларда озиқлантирилди ва сифатли парвариш қилинди.

Май ойидан бошлаб август ойигача пахта далаларида мўл ҳосил тўплаш учун кескин кураш олиб борилди. Агротехника тадбирларининг бутун комплекси, ҳар бир хўжаликнинг конкрет шароити ҳисобга олинган ҳолда табақалаштириб амалга оширилди.

Партия ташкилотлари қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига кўтариш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширдилар. Бу соҳада айниқса Кўлоб, Мастчоҳ, Фархор район партия ташкилотлари намунали иш қилдилар. Ана шу районлардаги илғари қолоқ ва камҳосилли ҳисобланиб келган кўпчилик хўжаликлар бу йил ўрта даражадаги ва илғор хўжаликлар қаторига чиқиб олдилар.

Бу йил республика колхоз ва совхозларида пахтакорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш принципига қатъий амал қилинди. Колхозчиларнинг меҳнатига тўғридан-тўғри пул билан ҳақ тўлаш системаси жорий этилди. Пахтакорларга етиштирган ҳосилнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўланаётир. Бригадалар ички хўжалик ҳисобига ўтказилди.

Комплекс механизациялашган бригадалар эндиликда пахтачиликда асосий ва ҳал қилувчи куч бўлиб қолди. Қишлоқ партия ташкилотлари ана шундай бригадалар сонини кўпайтириш, уларнинг бошлиқлари ва коллективларига оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп ва арзон пахта етиштириш учун курашда яқиндан ёрдам бераптилар. Бу йил республика хўжаликларида 500 га яқин комплекс механизациялашган бригада ишлади. Ана шу бригадаларда пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган барча ишлар асосан механизмлар ёрдамида бажарилди. Ҳосил мўл бўлди ва унинг таннархи арзонга тушди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда Ўзбекистон пахтакорларининг вакиллари бизга ўзларининг дўстона маслаҳатлари билан жуда катта ёрдам бердилар. Улар социалистик мусобақа шартлари қандай бажарилаётганлигини текшириш давомида ўзларининг бой тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Бу, юз берган қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этишда Тожикистон пахтакорларига жуда катта мадад бўлди.

Бу йил бир қатор районлар ва жуда кўплаб хўжаликлар пахтадан мўл ҳосил етиштиришда жуда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Регар районида ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олинди. Куйбишев, Нов, Вахш ва бошқа районларда ҳам ҳосил ана шундай мўл бўлди.

Пахта йиғим-терими давом этмоқда. Республика пахтакорлари партиямизнинг XXIII съезди ва Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги шарафига мамлакатга пландан ташқари кўп миқдорда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш, бу йил деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планларини ҳамда олинган юксак мажбуриятларни шараф билан бажариш учун интилмоқдалар. Республика партия, совет, қишлоқ хўжалик ташкилотлари, барча меҳнаткашлари етти йилликнинг якунловчи йилида янгидан-янги зафарлар қозониш учун барча зарур чораларни кўрадилар.



## ДЎСТЛИК РАМЗИ

Тожикларда ҳам, ўзбекларда ҳам «Ён қўшним — жон қўшним» деган нақл бор. Биз пахта етиштиришни ўзбеклардан ўрганганмиз, десак муболаға бўлмас. Лекин шогирдлар ҳам бўш келишмаяпти. Йилдан-йилга пахтадан мўл ҳосил етиштиришяпти.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Ўзбекистон пахта тайёрлаш йиллик планини бажарган дамларда биз ҳам марра остонасида турган эдик. Мана бугун бизнинг республикамиз ҳам ғалаба рапорти берди. Бунга колхозимиз азаматлари қўшган ҳисса билан фахрланамиз.

Ҳозиргача давлат омборларига 7.400 тонна «оқ олтин» тўкдик. Ҳосилнинг 1.500 тоннасини машиналарда териб олдик. Илғор бригадаларимиз колхознинг умумий кўрсаткичидан анча ўзиб кетдилар. Бунга Абдуфаттоҳ Қозоқов бошлиқ механизациялашлашган бригадани мисол келтириш мумкин. Бу бригада пахта тайёрлаш йиллик планини 12 иш кунида бажарди. Шу кунга қадар 118 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан сифатли пахта топширди. Бундай бригадалар колхозимизда кўп.

Пахтанинг давлат харид нархлари оширилиши даромадимизнинг кўпайишига катта имконият очиб берди. 20 октябргача бўлган ҳисоб-китобларга қараганда пахтанинг ўзидан 2 миллион 700 минг сўм даромад қилибмиз. Бошқа соҳалардан ҳам кўп даромад олишни мўлжаллаяпмиз. Бу колхозчиларнинг янада фаровон турмуш кечиришларини таъминлайди.

Планни бажарганимиздан кейин давлатга яна 1.850 тонна пахта сотишга сўз берган эдик. Ваъда — вафоси билан чиройли деганларидек, ҳозиргача бунинг 1.200 тоннасини топшириб қўйдик. Қолган қисмини ҳам Октябрь байрами кунигача бажарамиз.

А. МИРЗАЕВ,
Регар районидаги Ленин номли колхоз ранси.

## МУСОБАҚА КУЧИ

Саратоннинг жазирама кунлари ҳамон эсимизда. Ўша вақт ўзбек биродарларимиз далаларимизда бўлиб, ҳосил нишоналарини кўздан кечирган эдилар. Ютуқларимизни алоҳида таъкидлаб, камчиликларимизни ҳам рўй-рост айтиб беришганди. Биз мусобақадошларимизнинг маслаҳатларига амал қилиб, ғўза парваришини ҳар томонлама пухта уюштирдик. Бу ишга, даставвал, колхоз коммунистлари бош-қош бўлдилар.

Бугунги кунда мамлакатга ғалаба рапорти беряпмиз. Коммунистларнинг, комсомолларнинг, барча меҳнат аҳлининг бир тан-бир жон бўлиб ишлаганликлари туфайли баракали ҳосил етиштирилди ва у қисқа муддатларда йиғиб-териб олинди. Колхоздаги 51 та коммунистнинг ҳаммаси бевосита ишлаб чиқаришда қатнашди. Улар давлатга 1.900 тонна пахта топширишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Биз ютуқларимизнинг боисини социалистик мусобақа кучида деб биламиз. Ўзбек пахтакорлари билан ўзаро маслаҳатлашиб ишлаш яхши натижалар бераётганлигини алоҳида қайд қиламиз. Бу мусобақа дўстлигимизни янада мустаҳкамлайверади.

А. ЖУРАЕВ,
Мастчоҳ районидаги Карл Марис номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

## ТОҒЛАР ЎЛКАСИНИНГ ОЛТИНИ

Қардошлар элидан хушхабар келди. Пахтакор оға-инилардан яна бири маррага етди. Хисор тоғлари этакларида, Вахш бўйларида, Ленинобод далаларида қилинган ажойиб меҳнат самараси — бешюз эллик минг тоннага яқин пахта азиз Ватанимизнинг улкан хирмонига қут-барака киритди.

Халқларимиз ўртасидаги ёру дўстлик, обрў-эътибор, иззат-ҳурмат, шан-шавкат — пахтамиз туфайли янада камол топади, юртимиз бойлигини, фаровонлигини оширади. Сиз, азиз тожик пахтакорлари, меҳнатда ғоят эўр жасорат кўрсатиб, пахтакорлик шарафини улуғладингиз, «оқ олтин» етиштирувчи республикалар орасида ўз мавқеингизга муносиб ўрин эгалладингиз.

Ўзбек халқи қолиб инисини ҳаяжон билан қутлаб, бағрига босаркан, биз ёзувчилар бу олижаноб ҳисни бундай ифодаламоқчимиз:

Кўксимизда лов-лов қуёш ёлқини,
Ором бер, боғларнинг хушбўй салқини.
Тарозу палласин салмоқ-ла босди
Тоғлар ўлкасининг оппоқ олтини!
Тарихимиз каби тан-жонимиз бир,
Дастурхону нону армонимиз бир.
Икки халқ — маснавий қофиясидай,
Қуёшимиз каби хирмонимиз бир!

ЯШИН, Ғафур ҒУЛОМ, Сергей БОРОДИН, Абдулла ҚАҲҲОР, УЙҒУН.

# ҲАРБИЙ ШАВКАТ РАМЗИ

### БРЕСТ ҚАЛЪАСИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ

□ □ □ □

БРЕСТ, 1 ноябрь. (ТАСС). Бугун Брест қалъасига Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали топширилди. Қалъа ҳимоячилари Ватан олдидаги ғоят эўр хизматлари учун ва Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан қалъа ана шу мукофотларга сазовор бўлган эди.

Белоруссия Компартияси Брест шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг жамоат ташкилотлари ва Совет Армияси вакиллари билан биргаликда ўтказилган тантанали мажлисида юксак мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров нутқ сўзлади.

Совет халқи, деди К. Т. Мазуров, бу йил фашистлар Германияси устидан қозонилган тарихий ғалабанинг 20 йиллигини тантанали вазиятда нишонлади. Брест қалъаси мудофааси Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонона йилномасига шонли саҳифа бўлиб кирди. Брест қалъасининг ҳимоячилари кишиларимизнинг чексиз саботматонати ва чидамини, Совет Ватанига чексиз садоқатини бутун дунёга намойиш қилдилар. Брест қалъаси совет халқи мардлиги ва сўнмас шон-шуҳратининг тимсоли, солдатларимизнинг ҳарбий қасамга садоқати рамзи бўлиб қолди.

Ўртоқ Мазуров КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан тантанали йиғилиш қатнашчиларини, Брест аҳолисини, Брест гарнизонининг жангчиларини ва чегарачиларини, Белоруссиянинг барча меҳнаткашлари ва Белоруссия ҳарбий округининг жангчиларини қаҳрамон Брест қалъасига Ленин ордени ҳамда «Олтин юлдуз» медалини топшириш байрами билан қизғин табриклайди.

Сўнгра, нотиқ Улуғ Ватан урушининг даҳшатли кунлари тўғрисида гапиради. Ўртоқ Мазуров айтадики, фашист қўшинларининг «марказ» деб аталган энг кучли гуруҳи Белоруссия томонига ташланган эди. Бу гуруҳ составида 50 дивизия бор эди. Гитлерчилар фашист каллакесарларнинг энг сара дивизияларини Брест гарнизонига қарши юбордилар. Фюрерга шахсан содиқ бўлиш ва гўё ўз зиммаларига юкланган алоҳида вазифани ҳис этиш руҳи ана шу фашист каллакесарлар онгига ваҳшиёна тарзда сингдирилган эди. Жасур гарнизон жангчилари худди шу ерда, Ватанимиз дарвозаси ёнида душманни ўз қўшинларининг йирик кучларини сақлаб туришга мажбур этдилар. Тамомила қуршов шароитида олиб борилган ва кучлар тенг бўлмаган бу жанг бир ойдан ортиқ давом этди. Қаҳрамон қалъа ҳимоячиларидан озгина киши омон қолди. Улар ҳалок бўлган ўртоқларининг кўрсатган қаҳрамонлиги тўғрисида авлодларга ҳикоя қилиб бермоқ учун уруш ўти ва жуда оғир машаққатлар гирдобини босиб ўтдилар.

Брест қалъаси жангчилари ва командирларининг мардлиги социалистик ватанпарварликнинг улуғ идеялари билан суғорилган эди. Қалъа ҳимоячилари Ленин партиясига, ўзларининг социалистик Ватанига садоқатни муқаддас бир нарса деб билиб, энг оғир синовларда намойиш қилдилар. Коммунистлар қалъа мудофаасининг жон-юраги, унинг жанговар ядроси бўлдилар.

Коммунистларнинг жанговар маҳорати, енгилмас мардлиги ва сабот-матонати қалъани ҳимоя қилган барча кишиларнинг қалбига янги куч ва душманни тормор келтиришга қатъий ишонч бағишлади. Комсомоллар коммунистлардан ўрнак олдилар. Тинч даврда ўсган ва урушнинг оғир синовларини бошидан кечирмаган ёшларимиз Брест қалъасини ҳимоя қилган ва ҳозирги кунда яшаб, меҳнат қилаётган кишиларнинг бахт-саодати учун ўз жонларини фидо қилган ёшлар қандай кишилар бўлганлигини билишлари ва эсда тутишлари керак. Ўз эрлари — Совет Армиясининг жангчилари билан биргаликда қалъани ҳимоя қилган хотин-қизлар ҳужумга ўтдилар, ярадорларни қутқазиб қолдилар, жангчиларни ўқ-дори, озиқ-овқат билан таъминлаб турдилар. Ҳатто, болалар ҳам мардликда ўз оталари ва опаларидан, акалари ва опаларидан қолишмадилар.

Қалъа ҳимоячилари билан бир қаторда чегара заставалари, мустаҳкамланган районларнинг жангчилари, чегара бўйлаб жойлашган қисмлар ва бўлинмаларнинг жангчилари ҳам зўр жасорат билан мардона жанг қилдилар. Қалъа ҳимоячиларининг номлари каби уларнинг номлари ҳам халқ қаҳрамонлиги йилномасига абадий ёзилиб қолади.

Кўп йиллар ўтар, деди ўртоқ Мазуров, аммо, мард қалъа ҳимоячилари кўрсатган буюк қаҳрамонлик халқнинг хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайди. Ўртоқ Мазуров айтдики, Брест қалъаси мудофааси Улуғ Ватан уруши тарихида фақат бир эпизод бўлган эди, аммо, кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги, жиддийлиги ва бирлиги бу ерда жуда яққол намоён бўлди. Қалъанинг қаҳрамонлари орасида руслар ва белоруслар, украинлар ва грузинлар, қозоқлар ва арманлар, молдаванлар ва ўзбеклар, озарбайжонлар, мордвинлар ва татарлар, хуллас Совет Иттифоқида яшовчи 30 дан ортиқ миллат вакиллари бор эди. Гитлерчи стратегларнинг мўлжалларига хилоф суратда, халқларимизнинг бузилмас дўстлиги душманнинг тор-мор келтирилишини таъминлаган ҳал қилувчи омилларнинг бири бўлди. Мақсадларнинг бирлиги туфайли, марксизм-ленинизм идеялари туфайли тош метиндек мустаҳкам қардошларча дўстлигимиз социалистик лагерь мустаҳкамлиги ва енгилмаслигининг гарови, ҳар бир социализм мамлакати ва умуман бутун социализм хавфсизлигининг гарантиясидир. Ҳозирги пайтда социалистик мамлакатлар халқларининг бирлиги гўё мустаҳкам эмас, деб шунга умид боғлаб, империалистик агрессия планларини тузаётган кишилар буни равшан тушуниб олишлари керак эди.

Нотиқ совет кишилари кўрсатган оммавий қаҳрамонликни эсламоқда. Агрессорлар ҳеч қачон бундай қаҳрамонликка дуч келмаган эди. Қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград, Киев, Одесса ва Севастополь, шунингдек мамлакатимиздаги бошқа кўп шаҳарлар мудофаасининг қаҳрамонлик эпопеяси инсониятнинг хотирасида абадий сақланиб қолди. Фронт жангчилар ва партизанлар каби Брест қалъасининг ҳимоячилари ҳам фашист ғаламларнинг муқаррар тор-мор қилинишига астойдил ишонган эдилар.

Сўнгра, К. Т. Мазуров совет кишиларининг урушдан кейинги даврдаги қаҳрамонона меҳнати тўғрисида, етти йиллик йилларида эришилган муваффақиятлар ҳақида гапиради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш йўлини изчиллик билан амалга оширмоқда. Коммунистик партия Совет давлатининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига раҳбарлик қилиш методлари ва услубини такомиллаштириш соҳасида катта иш қилмоқда.

Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсатни амалга ошириб, тинчлик ва тараққиёт кучларининг доим олдинги сафларида бормоқда, агрессорларнинг кирдикорларини ҳамиша фош қилиб барбод этиб келмоқда, дейди ўртоқ Мазуров. Нотиқ айтадики, урушдан кейинги йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва мудофаа қуввати милсиз ўсди. Халқаро майдонда кучлар нисбати ҳам империализм зарарига қатъиян ўзгарди. Аммо, ҳарбий авантюраларнинг ишқибозлари бўлган империалистлар иккинчи жаҳон урушининг сабоқларидан тегишли хулосаларни чиқариб олмагандиклариии кўриб турибмиз. АҚШнинг реакцион доиралари Германиянинг ғарбий қисмида жойлашган милитарист кучларни сақлаб қолиш ва кучайтириш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрдилар. Ҳозирги вақтда Германия Федератив Республикаси Европада реакция ва ҳарбий ҳавфхатарларнинг асосий маркази, Америка империализмининг асосий иттифоқчиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Совет ҳукумати ва Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг ҳукуматлари мудофаа ташкилотимиздаги бирлашган қуролли кучларининг жанговар тайёргарлиги ва хушёрлигини янада юксак даражага кўтаришга яқдиллик билан аҳд қилдилар.

АҚШнинг қаҳрамон Вьетнам халқига қарши тобора авж олаётган ваҳшиёна агрессияси натижасида бутун дунёда ғоят жиддий, жуда хатарли оқибатларга сабаб бўладиган аҳвол рўй берди. Бизнинг Ватанимиз ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар ўзларининг интернационал бурчини бажариб, Америка агрессиясини даф қилмоқ учун қаҳрамон Вьетнам халқига зарур ҳарбий ва моддий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

К. Т. Мазуров нутқининг охирида бундай деди: империалистларнинг агрессив ҳаракатлари биздан хушёрликни оширишни. Совет Иттифоқининг мудофаа қувватини кучайтиришга жуда катта эътибор беришни, социалистик мамлакатларнинг ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш йўлида янада эўр ғайрат билан ишлашни талаб этади.

Бизнинг партиямиз, бутун совет халқи ҳозирги вақтда КПССнинг навбатдаги XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун эўр ғайрат билан тайёрланмоқда. Саноат корхоналарида, қурилишларда, колхоз ва совхозларда халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажариш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараларини ошириш учун мусобақа авж олиб кетди. Брест шаҳри ва бутун Белоруссия меҳнаткашларининг бу мусобақага ҳамда коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшажакларига шак-шубҳа йўқ.

К. Т. Мазуров, мен КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг қаҳрамон Брест қалъасига Ленин ордени ҳамда «Олтин юлдуз» медали топшириш тўғрисидаги кўрсатмасини эўр мамнуния билан бажараман, деди. К. Т. Мазуров шу ерда ҳозир бўлган кишиларни қаҳрамон Брест қалъасига ҳукуматнинг юксак мукофоти топширилиши билан яна бир марта қизғин табриклайди. Брест мудофаасининг ҳозир ҳаёт бўлган қатнашчиларига, Улуғ Ватан урушининг ветеранларига, Брест меҳнаткашларига сиҳат-саломатлик ва ижодий меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди, Брест гарнизони ва бутун Белоруссия ҳарбий округи жангчиларининг Брест қалъаси ҳимоячилари абадий барҳаёт гарнизони жанговар шон-шуҳратининг муносиб ворислари бўлишини истайди.

* * *

К. Т. Мазуров қаҳрамон қалъага мукофотни топширди.

Қаҳрамонона мудофаа қатнашчилари, Брест меҳнаткашларининг, шаҳарни озод қилган ҳарбий қисмларнинг вакиллари Брест қалъаси гарнизонининг ҳарбий жасоратига юксак баҳо берганликлари учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик билдирдилар.

Москва, Ленинград, Киев, Волгоград, Севастополь ва Одесса делегацияларининг раҳбарлари қаҳрамон шаҳарларнинг меҳнаткашларидан табрик сўзларини топширдилар.

Сўнгра Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров нутқ сўзлади.

Мажлис қатнашчилари баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

Юқоридаги суратда Ҳисор пахта тайёрлаш пункти тасвирланган. Унлаб транспортёрлар билан мазкур пунктда ҳар куни бунтларга 650-680 тоннага етказиб пахта босилаётир. Ҳозиргача тайёрлов пункти 25 минг тонна пахта қабул қилиб олди. Пастдаги суратда эса Куйбишев районидаги «Тожикистон» колхозининг моҳир механик-ҳайдовчиси София Насимовани кўриб турибсиз. У «зангори кема»си билан 140 тонна пахта териб берди.

Р. Поздняков ва Г. Топор фотолари.

## АЗАМАТ ДИЁР

Тожикистон, азамат диёр,
Чўққиларинг кўркам
елкангдир.
Боғларингдан аримас баҳор,
Водийларинг олтин
ўлкангдир.
Водийларинг қошида тоғлар,
Оқ дўппилар бошида тоғлар,
Оқ тоғларинг ҳайрондир
бугун
Водийларинг тўшида тоғлар.
Водийларнинг тўши кўтарган
Тоғлар баланд Помир
тоғидан,
Қуйилмоқда унга ҳар куни
Бункерларнинг зар
ирмоғидан.
Турсунойнинг дугоналари
«Мовий кема» шоҳсуворлари.
Хирмонларда дурдоналари,
Чаманларда Эътиборлари.
Эл бойлиги уяр ҳар куни,
Оташ қалбли марди
майдонлар.
Водийлардан тожик олтини
Карвон бўлиб, ошди
довонлар.
Сир ёқалар шимол
бўйингни,
Қирғоқлари пахтага кондир.
Бунда мардлар бошлар
тўйингни,
Совғалари катта хирмондир.
Мирниқорлар водийси
Ҳисор,
Вахш ерлари беқиёс чаман.
Тожикистон, пахтакор диёр,
Бугун сени табриклар Ватан
Қутлар сени ўзбек
қардошинг,
Офарин дер, кўксида қўли,
Пахтамиздай оқ бўлсин
ҳардам,
Мангу бирга дўстликнинг
йўли.

НАЗАРМАТ.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН 1965 ЙИЛ 4 ОКТЯБРДА ТАСДИҚЛАНГАН

# СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Социалистик давлат ишлаб чиқариш корхонаси СССР халқ хўжалигининг асосий звеносидир. Унинг фаолияти марказлаштирилган раҳбарликни корхонанинг хўжалик мустақиллиги ва ташаббуси билан қўшиб олиб борилади.

2. Социалистик давлат ишлаб чиқариш корхонаси ўзининг оператив бошқаруви ёки фойдаланиш учун бириктириб қўйилган давлат мулкидан фойдаланиб, халқ хўжалиги планига мувофиқ суратда, хўжалик ҳисоби асосида юқори органнинг раҳбарлигида ўз коллективи кучи билан ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини (маҳсулотлар тайёрлаш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш) амалга оширади, мажбуриятларни бажаради, фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади, мустақил балансга эга бўлади ҳамда юридик шахс ҳисобланади.

3. Ушбу Низом давлат саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, алоқа ва транспорт корхоналарига татбиқ этилади.

Ушбу Низомнинг қурилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, транспорт ва алоқа корхоналарига татбиқ этилишидаги алоҳида хусусиятлар халқ хўжалигининг муайян тармоқлари корхоналари бўйича амалда бўлган қонунлар асосида иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Министрликлари ва муассасалари томонидан белгилаб қўйилади.

4. Корхонани бошқариш якка бошчилик асосида амалга оширилади. Корхонанинг жамоат ташкилотлари ҳамда бутун ходимлар коллективи давлат плани бажарилишини таъминлаш, корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, меҳнат шароити ва ходимларнинг турмушини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни муҳокама қилиш ва амалга оширишда кенг иштирок этадилар.

5. Корхона ўзининг бутун фаолиятида социалистик қонунчилик ва давлат интизомига риоя қилиши керак. Корхонага бериб қўйилган ҳуқуқлардан бутун халқ хўжалигининг ва корхона ходимлари коллективининг манфаатлари йўлида фойдаланмоқ керак.

Хўжалик раҳбарлари органлари корхона ҳуқуқларига қатъий риоя қилинишини таъминлашлари ҳамда корхона ўз мажбуриятларини қандай бажараётганлигини назорат қилиб туришлари лозим.

6. Корхона юқори орган томонидан ССР Иттифоқи ёки иттифоқдош республика қонунларига мувофиқ суратда буйруқ (қарор) билан тузилади.

7. Корхонанинг корхона тузиш тўғрисида қарор қабул қилган юқори орган тасдиқлаган устави бўлади. ССР Иттифоқи ёки иттифоқдош республика қонунларида кўзда тутилган ҳолларда эса корхона ана шу турдаги корхоналар учун умумий бўлган қоидалар асосида иш тутади.

Корхона устави қуйидагилардан иборат бўлади:

корхонанинг номи (ёки номери) ва у жойлашган ер (почта адреси);

корхона бевосита бўйсунган орган (юқори орган)нинг номи;

корхона фаолиятининг предмети ва мақсади;

корхона устав фондига эга эканлиги ҳақида кўрсатма;

корхона ушбу Низом асосида иш тутиши ва юридик шахс эканлиги ҳақида кўрсатма;

корхонани бошқарувчи мансабдор шахс (директор, бошқарувчи, бошлиқ)нинг номи.

Агар корхона таркибига бир қанча ишлаб чиқариш единицалари (10-банд) кирса, у ҳолда корхона уставида ана шу ҳақда махсус кўрсатма бўлади ҳамда ишлаб чиқариш единицалари санаб ўтилади.

Қонунга хилоф бўлмаган, корхонанинг фаолияти хусусиятлари билан боғлиқ бошқа қоидалар ҳам уставга киритилиши мумкин.

Корхона устав тасдиқланган кундан бошлаб ўз ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда юридик шахс бўлиб қолади, агар шу турдаги корхоналар тўғрисидаги умумий қоидалар асосида иш юритадиган бўлса, тегишли орган томонидан ушбу корхонани барпо этиш ҳақида қарор қабул қилингандан кейин ўз ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади, юридик шахс бўлиб қолади.

8. Корхона ўз оператив бошқарувидаги мулкка ҳамда ўзига ажратиб берилган ерга қонунда белгилаб қўйилган чегараларда, корхона фаолиятининг мақсадларига, план топшириқларига ҳамда мулкнинг нима учун берилганлигига мувофиқ суратда эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф қилиши мумкин.

9. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республика қонунларига мувофиқ солинадиган жаримага корхона ўз мажбуриятларига кўра корхонага бириктириб қўйилган мулк билан жавоб беради.

Корхона ўзи бўйсунган ташкилотнинг мажбуриятлари, шунингдек бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Корхона бўйсунган ташкилот ушбу корхона мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Бу қоидалардан четга чикиш ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республика қонунларида кўзда тутилган ҳоллардагина мумкин бўлади.

Давлат корхона мажбурияти юзасидан жавобгар эмас, корхона эса давлат мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас.

10. Мустақил корхона бўлмаган ишлаб чиқариш единицалари таркибига кирган комбинат, трест, фирма ёки бўлак хўжалик ташкилоти ушбу Низомга мувофиқ, ишлаб чиқариш корхонаси каби иш тутади.

Мустақил корхоналар бўйсундирилган комбинат, трест ёки бўлак хўжалик ташкилоти уларга нисбатан хўжаликни бошқариш органи тариқасида иш тутади.

Таркибига мустақил корхона бўлмаган ишлаб чиқариш единицалари кирган, шу билан бир қаторда унга мустақил корхоналар ҳам ўзига бўйсунган комбинат, трест, фирма ёки бўлак хўжалик ташкилоти мустақил корхона бўлмаган ишлаб чиқариш единицаларига нисбатан ҳамда ўзи томонидан бевосита бажарилаётган ишлаб чиқариш фаолиятига нисбатан, ушбу Низомга кўра, ишлаб чиқариш корхонасининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади, бўйсунган мустақил корхоналарга нисбатан эса хўжаликни бошқариш органи тариқасида иш тутади.

## II. Корхона мулки ва маблағлари

11. Корхонага бириктириб қўйилган асосий ва оборот маблағлари унинг устав фондини ташкил этади, бу фонд ҳажми корхона балансида акс этади.

12. Корхона ўз оборот маблағларининг умумий миқдори (нормативи) корхонанинг тавсиясига кўра, юқори орган томонидан белгиланади ҳамда йил давомида корхонанинг ишлаб чиқариш плани ўзгарсагина ўзгартирилиши мумкин.

Корхонага бириктириб қўйилган норматив миқдордаги оборот маблағлар юқори орган томонидан олиб қўйилиши мумкин эмас.

Ортиқча оборот маблағлар (нормативдан ортиқ) юқори орган томонидан корхонанинг йиллик ҳисоботи бўйича қайта тақсимлаш учунгина ёки корхонанинг ишлаб чиқариш плани ўзгариши муносабати билан корхонанинг ўз оборот маблағлари нормативи ўзгарган тақдирдагина олиб қўйилиши мумкин.

13. Корхона капитал ремонт учун ҳамда асосий фондларини тўла тиклаш учун амортизация маблағлари ажратади.

Капитал ремонтга мўлжалланган амортизация ажратмалари корхонанинг муайян мақсад учун ажратилган фондини ташкил этади ҳамда капитал ремонт учун ҳам, асосий фондларнинг модернизацияси учун ҳам, шунингдек ана шу ишларни бажариш учун деталь ва узеллар олиш учун ва ишдан чиққан деталь ва узелларни алмаштириш учун ҳам сарфланади.

Иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда корхона капитал ремонт қилиш ўрнига капитал ремонт учун мўлжалланган амортизация маблағлари ҳисобидан янги ускуна сотиб олиши мумкин.

Капитал ремонтга мўлжалланган амортизация маблағларидан рационал фойдаланиш мақсадида ана шу ажратмаларнинг 10 процентидан иборат маблағни корхона юқори органга беради. Бу маблағлардан ўз маблағлари капитал ремонтга етишмай турган корхоналарга ёрдам кўрсатиш юзасидан резерв яратиш учун фойдаланилади.

Асосий фондларни тўла тиклашга мўлжалланган амортизация маблағлари амалда бўлган қонунларга мувофиқ суратда капитал маблағлар сарфлашни молиявий жиҳатдан таъминлаш учун берилади.

14. Корхона фойдаси (фойда олиш планда кўзда тутилмаган корхоналар учун маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан олинадиган иқтисод) унинг даромади ва харажатлари баланси (молия плани)га мувофиқ тарзда ҳамда СССР Министрлар Совети белгилаб қўйган тартибга мувофиқ тарзда тақсимланади.

Корхона коллективининг планни бажаришдан ҳамда ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини таъминлашдан моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида олинган фойда (маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан иқтисод)дан корхоналар ихтиёрига маблағ ажратиб берилади. Бу ажратилган маблағ ходимларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича корхона фондини ташкил этади (корхона фонди). Фойдадан олинадиган ажратмалар (маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан келадиган иқтисод) миқдори, корхона фондини барпо этиш ва ундан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларидаги корхоналар учун СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланадиган корхона фонди ҳақидаги қоидалар билан белгиланади.

Корхона фонди маблағлара янги техника тадбирларини амалга ошириш учун, ускуналар модернизацияси учун, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уй-жой ва маданий-маиший қурилишлар учун, уй-жой фонди ремонти учун, якка тартибда мукофотлаш, ходимларга маданий, маиший ва медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, корхонанинг врач-санитария муассасалари учун дори-дармонлар олиш, дам олиш уйлари ва санаторийларга путевкалар олиш учун ҳамда ходимларга бир йўла ёрдам кўрсатиш учун сарфланади.

Юқори орган корхона фонди маблағларини олиб қўйиши ёки қайта тақсимлаши мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тайёрланадиган кенг истеъмол моллари ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланган буюмларни сотишдан келадиган фойда бутунлай корхона ихтиёрида (кенг истеъмол фонди) қолади ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети белгилаган тартиб бўйича фойдаланилади.

Корхона фонди ва кенг истеъмол фонди маблағлари ҳисобига қурилган уй-жойлар корхона маъмурияти ва касаба союзлари фабрика, завод, маҳаллий комитети қарорига мувофиқ тарзда тақсимланади, сўнгра меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советига шу ҳақда хабар берилади.

15. Корхона янги техника яратган ва жорий этган ходимларни мукофотлаш ҳамда янги техникани ўзлаштириш фондини барпо этиш учун белгилаб қўйилган тартибда маблағ ажратади.

16. Корхонага бириктириб қўйилган, вақтинча фойдаланилмаётган бинолар ва иншоотлар, шунингдек, ишлаб чиқариш, омбор ва бошқа иморатларни корхона бўлак корхоналар ва ташкилотларга муайян жойда амалда бўлган ижара қаъ ставкаларига мувофиқ тарзда ижарага бериши мумкин.

Корхона бошқа корхоналар ва ташкилотларга вақтинча ишлатилмаётган ускуналар ва транспорт воситаларини ижарага бериши мумкин. Ижарага олиб фойдаланилган ускуналар ва транспорт воситалари учун ижара ҳақи ана шу мулк бўйича белгилаб қўйилган амортизация ажратмалар миқдорида олинади.

Транспорт корхоналарининг мулки бўлиб, вақтинча ишлатилмай турган транспорт воситалари юқори органнинг рухсати билан ижарага берилади.

17. Корхона касаба союзларининг фабрика, завод, маҳаллий комитетларига корхонанинг балансида бўлган ва у ўзарага олган бинолар, иморатлар, иншоотлар, боғлар ва паркларни корхона ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида маданий-оқартув, соғломлаштириш, физкультура ва спорт ишлари олиб бориш учун ҳамда пионер лагерларини, шунингдек бинолар, иморатлар, иншоотларни техника пропагандаси олиб бориш учун бепул фойдаланишга бериб қўяди.

Юқорида кўрсатилган объектларни сақлаш, ремонт қилиш, ситиш, ёритиш, тозалаб туриш, қўриқлаш ҳамда ускуналаш корхона ҳисобига бажарилади. Агарда ана шу объектлардан бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари ҳам фойдаланса, бу корхона ва ташкилотлар қилинган харажатларни қоплаш учун ўз улушларини қўшадилар.

Корхона касаба союзлари фабрика, завод, маҳаллий комитети ихтиёрига ва бошқа жамоат ташкилотлари ихтиёрига уларнинг ишлаш ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг мажлисларини ўтказиш учун биноларни текинга бериб қўяди, уларни ускуналайди, ситади, ёритади, қўриклайди, тозалаб туради, шунингдек корхона юқорида кўрсатиб ўтилган ташкилотларга транспорт воситалари ва алоқа воситаларидан бепул фойдаланиш имконини беради.

Корхона ҳақ олмасдан балансдан-балансга касаба союз ҳамда бошқа жамоат ташкилотларига маданий-маиший ва спорт инвентарини беради. Бу инвентарларни корхона корхона фонди, кенг истеъмол фонди ва социалистик мусобақа мукофотлари маблағлари ҳисобига сотиб олган.

18. Корхона қуйидагиларни бепул тақдим этади:

ўз ҳузуридаги врачлик-санитария муассасаси (пункти)га, — ситиладиган, ёритиладиган, сув билан таъминланган, қўриқланадиган, тозалаб туриладиган ва ремонт қилинадиган бино; корхона территориясида бўлган ёки унинг балансида турган ҳамда ходимлар коллективига хизмат кўрсатадиган ошхона ёки бошқа умумий овқатланиш ташкилотига — ситиладиган, ёритиладиган, сув билан таъминланган бино.

19. Корхона ҳақ олмасдан қуйидагиларни тақдим этиши мумкин:

корхона ходимлари таълим олаётган ишчи (қишлоқ) ёшлар мактабига, кечки (сменалик) профессионал-техника билим юртига ва малака ошириш курсларига, корхона ҳузуридаги завод-олий технэка ўқув юрти ва техникумга — ўқув мақсадлари учун биноларни, зарур ускуналар, приборлар, асбоблар ҳамда кабинетлар, лабораториялар учун материаллар; бу биноларни ҳўжалик жиҳатидан сақланди ва ремонт қилинади, электр энергияси ва иссиқлик энергияси билан таъминланади;

олий ва ўрта махсус ўқув юртларига — машина намуналари, станоклар, приборлар ва ускуналар, шунингдек кўргазмаларда кўрсатилиб яна қайтариб олинган ўқув мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган экспонатлар.

20. Корхонага бириктириб қўйилган биноларни, иншоотлар, ишлаб турган ускуналар ва бошқа асосий воситалар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республика қонунларига мувофиқ тарзда бошқа корхоналар ва ташкилотларга берилиши мумкин.

21. Корхонада ортиқча бўлган, фойдаланилмаётган ускуналар, транспорт воситалари, приборлар, инструментлар, инвентарь, хом ашё, материаллар, ёқилғи, иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар, уруғ, ем-хашакни — агар юқори орган ана шу ортиқча буюмларни қайта тақсимлашдан воз кечса ёки ортиқча буюмлар борлиги ҳақида юқори ташкилотга маълумот берилгандан кейин бир ой муддат ичида жавоб олинмаса, корхона уларни бошқа корхоналар ва ташкилотларга сотиши мумкин.

Корхона маҳаллий йўл билан тайёрлаган материаллар, инструмент ва бошқа моддий бойликлар корхона томонидан мустақил равишда сотилади.

Оборот маблағларга тааллуқли бўлган ҳамда моддий бойликларни сотиш натижасида қўлга кирган маблағлар корхона ихтиёрида оборот маблағ сифатида қолади.

Асосий воситаларга тааллуқли бўлган моддий бойликларни сотиш натижасида қўлга киритилган маблағлар корхона ихтиёрида қолади ҳамда капитал маблағлар бўйича йиллик планга қўшимча тариқада қўлланилади.

22. Корхона ходимлари давлат мулкини эҳтиёт қилишлари, бинолар, иншоотлар, ускуналарни тўғри эксплуатация қилишлари, материаллар ва пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлашлари керак. Давлат мулкини бузишда ва давлатга моддий зиён етказишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

## III. Корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти

23. Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти планини хўжалик ҳисоби асосида амалга ошираётган корхона халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб энг кам меҳнат, моддий ва молия ресурслари сарфлаб, энг кўп натижага эришишни таъминлайди, ишлаб чиқариш қувватларидан, ички хўжалик резервларидан, фойдаланишга бериб қўйилган ердан ва табиий ресурслардан энг кўп даражада фойдаланади, энг кўп натижаларга эришади, тежаш режимига қаттиқ риоя қилади, фан, техника ва илғор тажрибанинг энг сўнгги ютуқларини жорий этади, шунингдек хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергияси сарфлашнинг прогрессив нормаларини жорий этади, маҳсулотнинг (бажарилган ишнинг, кўрсатилган хизматнинг) таннархини камайтиради ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини кўтаради. Корхона хом ашё ва материалларнинг маҳаллий манбаларидан, ишлаб чиқаришнинг чиқиндиларидан ҳар тарафлама фойдаланади.

Корхонанинг цехлари, участкалари, бўлимлари ва бошқа ички звенолари ўзларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини одатдагича ички хўжалик ҳисоби асосида амалга оширадилар.

24. Корхона давлат стандартлари, техника шартлари, намуналар, кондициялар, нормалар ва қоидаларга мувофиқ тарзда ўз маҳсулотлари (бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари)ни юқори сифатли, пухта-пишиқ ҳамда узоққа чидайдиган бўлишини таъминлайди.

Корхона фан, техника ва илғор тажриба асосида ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларини, аҳоли талабларини, совет жамиятининг эстетик талабларини эътиборга олиб, ишлаб чиқараётган маҳсулоти (бажараётган иши, кўрсатаётган хизмати)ни доим такомиллаштириб боради.

Шу мақсадда корхона истеъмолчи талабларига жавоб бермаётган, эскириб қолган машина-механизм ва бошқа буюмларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳамда уларни алмаштириш ҳақидаги таклифларни муайян органлар қараб чиқишига тақдим этиши керак, шунингдек, корхона маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) сифатига тўбдан таъсир этадиган давлат стандартлари, техника шартлари ва бошқа нормаларни такомиллаштириш ҳақидаги, халқ истеъмол товарлари бўйича эса эскириб қолган маҳсулот чиқаришни тўхтатиб қўйиш ва уларни аҳоли эҳтиёж сезиб турган янги маҳсулотлар билан алмаштириш ҳақидаги таклифларни ҳам тақдим этади.

25. Корхона тасдиқланган планлар, титул рўйхатлари ва лойиҳа смета ҳужжатларига мувофиқ, қурилиш, реконструкция ишларини олиб боради ҳамда асосий фондларни капитал ремонтдан чиқаради, янги ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ўзлаштиради ҳамда олинган ускуналарни тез фурсатда ишга тушириб юборади.

26. Корхона ихтирочилик бўйича ишларни ташкил этади. Ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлайди, ихтирочилар ва рационализаторларга белгилаб қўйилган мукофотларни ўз вақтида тўлайди, ишлаб чиқариш новаторларини қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради.

Корхона янги техникани ишлаб чиқиш ва мавжуд техникани такомиллаштиришда Ватанимиз ва чет эл фан-техникаси эришган муваффақиятларидан, патент материалларидан кенг фойдаланади. Шунингдек, совет ихтиролари ҳуқуқини СССРда авторлик гувоҳномаси олиш учун заявкалар бериш, зарур бўлиб қолган ҳолларда эса белгилаб қўйилган тартибга мувофиқ чет элларда патент олиш учун заявкалар бериш билан ҳимоя қилади.

27. Корхона темир йўл, сув, ҳаво ва автомобиль транспортининг техника воситаларидан рационал фойдаланишни таъминлайди, ортиш-туширишда транспорт ишларини ташкил этишни муттасил яхшилаб боради, ана шу ишларни механизациялар воситалари зиммасига юклайди ҳамда транспорт воситаларининг юк ортиш-туширишда вақтида бекор туриб қолишига йўл қўймаслик чорасини кўради.

28. Корхона ўз ишлаб чиқаришини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш учун оператив фаолият кўрсатади. Шу мақсадда корхона белгиланган нормативларга мувофиқ тарзда асосий программани бажариш, тажриба ишлари ўтказиш, ташкилий-техника тадбирлари планини бажариш ҳамда ремонт-эксплуатация эҳтиёжлари учун планли тартибда тақсимланадиган моддий ресурслар учун асосланган заявкаларни ўз вақтида беради, фонд бўйича белгиланган моддий-ресурсларни сотади, шунингдек, корхона учун зарур бўлган бошқа моддий ресурсларни мустақил равишда сотиб олади.

Корхона белгилаб қўйилган нормативларга мувофиқ равишда хом ашё, материаллар, ёқилғи ва бошқа ресурслар запасига эга бўладики, бу пландан ташқари запасларнинг пайдо бўлишига йўл қўймасдан корхонанинг тўхтовсиз ва бир меъёрда ишлашини таъминлайди.

29. Корхона тасдиқланган планлар ва тузилган шартномаларга мувофиқ тарзда белгиланган номенклатура ва турдаги маҳсулот сифатини ва бекамкўст бўлишини таъминлаб ва биринчи навбатда, умумиттифоқ эҳтиёжлари учун маҳсулот тайёрлаб беришни ўйлаб, маҳсулот ишлаб чиқаради ва етказиб беради.

Корхона планларни ва маҳсулот етказиб бериш бўйича белгиланган топшириқларни бажармаслиги давлат интизомининг қўпол бузилишидир ҳамда бу ҳол мансабдор айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга олиб келади.

Корхона сотилишини таъминласагина пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин.

30. Корхона корхоналар ва ташкилотлар билан бевосита хўжалик алоқаларини тобора кенгайтириши ва мустаҳкамлаши лозим. Истеъмолчилар билан бўладиган алоқа уларни белгиланган сифат билан зарур номенклатура ва турда маҳсулот билан таъминлашга имкон беришн керак.

Маҳсулот етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар зарур бўлиб қолганда амалдаги қонунларга мувофиқ тарзда ўзгартирилиши мумкин.

Халқ истеъмол буюмлари тайёрлаётган корхоналар маҳсулот тайёрлашни савдо ташкилотларининг заказларига асосан улар билан тузилган шартномаларга кўра амалга оширадилар.

31. Корхона молия ресурсларини тежаб-тергаб ва бир мақсадни кўзлаб сарфлаган ҳолда ишга солади. Давлат бюджети, банк муассасалари, маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоб ўз вақтида қилинади.

32. Корхона бухгалтерия, оператив ва статистика учёти олиб боради, учёт ва ҳисоблаш ишларининг илғор усул ва формаларини жорий этади, тасдиқланган формалар бўйича ҳисоботлар тузади ва бу ҳисоботларни муайян органларга белгиланган муддатларда тақдим этади.

33. Корхона ўз структурасини доимо такомиллаштириб боради, прогрессив бошқариш схемаларини, замонавий ҳисоблаш техникасини жорий этиб, инженер-техника ва бошқарув ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан ишлаб чиқаришни бошқаришга кетадиган харажатларни муттасил камайтиради.

34. Корхона меҳнатни ташкил этиш ва нормалашни муттасил амалга оширади ва такомиллаштиради, юқори унум билан ишлаш учун шароит яратади, юқори меҳнат унумлорлигига эришишни таъминлайди, меҳнат ҳақидаги қонунлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақидаги, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, давлат социал страхованнеси юзасидан қоидалар ва нормаларга риоя қилинишини таъминлайди, соғломлаштириш тадбирларини ўтказади. Меҳнат интизомига риоя қилишни таъминлайди.

Коллективнинг ҳар бир аъзоси ички меҳнат қонун-қоидаларига қатъий амал қилиши лозим.

35. Корхона ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан тадбирлар амалга оширади. Бу тадбирлар ходимларнинг ўз шахсий меҳнатларидан ҳам, корхона иши умумий натижаларидан ҳам моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида бажарилади. Корхона меҳнат унумдорлигини ошириш билан иш ҳақини ошириш ўртасида тўғри нисбат бўлишини таъминлайди, иш ҳақи фондининг тежаб-тергаб ва рационал сарфланишини ҳамда ишчи-хизматчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлайди.

36. Корхона ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларига асосан бевосита корхонанинг ўзида янги ишчи кадрлар тайёрлашни, ишчиларни янги касбларга ўргатишни ҳамда ходимлар ишлаб чиқариш малакасининг муттасил ўсиб боришини таъминлайди. Шу мақсадда якка-якка ва бригада усулида ўргатишдан ташқари корхонада ишлаб чиқариш-техника курслари, меҳнатнинг илғор усулларини ўрганиш курслари ташкил этилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга корхона ишни ўқиш билан ҳўшиб олиб бориш учун зарур шароитлар яратади ҳамда уларга амалдаги қонунларга кўра имтиёзлар беради.

37. Корхона ўз ходимларини таълим олаётган ишчи (қишлоқ) ёшлар мактабларига, кечки (сменали) профессионал-техника билим юртларига ҳамда малака ошириш курсларига ёрдам кўрсатади; ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчиларига, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларининг студентларига ишлаб чиқариш таълими юзасидан зарур шароитлар бўлишини таъминлайди; амалдаги қонунларга мувофиқ тарзда олий, ўрта махсус таълим ўқув юртларига ҳамда профессионал-техника билим юртларига студентлар (ўқувчилар) учун иш жойлари ҳамда лавозимлар беради.

38. Корхона ўз ходимларининг уй-жой ва маданий-маиший шароитлари муттасил яхшилаб борилишини таъминлайди, уй-жойлар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, касалхоналар ҳамда маданий-маиший объектлар қурилишини уюштиради, кооператив ва якка тартибда уй-жой қуришга кўмаклашади.

39. Корхона ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаргани учун амалдаги қонунларга мувофиқ ҳамда социалистик мусобақа шартларига биноан рағбатлантирилади.

Ишдаги ютуқлари ва ташаббус кўрсатиб ишлаганликлари учун корхонанинг ишчи ва хизматчилари фахрий ёрлиқлар ва мукофотлар билан тақдирланади; уларга фахрий унвонлар берилиши мумкин.

Корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари хўжалик қурилиши соҳасида юксак новаторлик фаолиятлари учун ҳамда юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун белгиланган тартибда СССР ордени ва медаллари билан мукофотланишига ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони олишга тақдим этиладилар.

40. Корхона фаолияти бошқа корхона ва ташкилотларнинг нормал иш шароитларини бузмаслиги ҳамда гражданларнинг маиший шароитларини ёмонлаштармаслиги керак.

Корхона ҳавони, тупроқни ва сув ҳавзаларини саноат ва хўжалик қолдиқлари, оқова сувлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлос қилмаслик учун, шунингдек шовқин-суронни босиш, радио эшиттиришларига халақит бермаслик учун зарур чораларни кўради.

## IV. Корхона ҳуқуқлари

41. Корхонага берилган ва унинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқлар директор (бошқарувчи, бошлиқ) томонидан амалга оширилади ва вазифаларнинг тақсимланишига қараб, корхонадаги бошқа мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади, амалдаги қонунларда кўзда тутилган ҳолларда эса касаба союзларининг фабрика, заводларнинг маҳаллий комитети билан биргаликда, келишиб ёки иштироки билан амалга оширилади.

42. Айрим муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналарга СССР Министрлар Совети белгилаб қўйган тартибда хўжалик раҳбарлигининг юқорироқ турган органлари томонидан қўшимча ҳуқуқлар бериб қўйилиши мумкин.

### ПЛАНЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАР

43. Корхона контроль рақамларга мувофиқ, ишчи ва хизматчиларнинг кенг иштироки билан халқ хўжалиги эҳтиёжини қондириш заруратини эътиборга олиб, истеъмолчилар билан, мол сотувчи ва савдо ташкилотлари билан юзага келган хўжалик алоқаларини ҳамда уларни бундан буён ҳам ривожлантиришни назарда тутиб, белгиланган кўрсаткичларга мувофиқ тарзда ўз фаолиятининг ҳамма турлари бўйича перспектив ва йиллик планлар лойиҳасини тузиб чиқади.

44. Юқори орган белгиланган кўрсаткичларга мувофиқ тарзда корхонанинг иштироки билан перспектив ва йиллик план топшириқларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Ҳамма план топшириқлари корхонага юқори орган томонидан етказилади.

45. Корхона ўзига белгиланган план кўрсаткичлар ҳамда тузилган шартномаларга мувофиқ тарзда кенгайтирилган йиллик техника, саноат, молия плани (саноат-молия плани, қурилиш-молия плани ва ҳоказо), ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг квартал ва ойлик планларини тузиб чиқади, бу планлар корхона директори томонидан тасдиқланади.

Корхона ўзига топширилган планларнинг катта иқтисодий самара билан бажарилишини таъминлаш учун цехлар, бўлимлар, участкалар, ишлаб чиқаришлар ҳамда бошқа структура бўлинмаларни учун план кўрсаткичларининг сон ва сифатини белгилайди.

46. Корхона учун белгиланаётган план топшириқлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлиши, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишни кўзда тутиши керак. Юқори орган корхонани план топшириқлари бажарилишини таъминлайдиган миқдорда моддий-техника, молия ресурслари ҳамда иш ҳақи фонди билан таъминлайди.

47. Корхонага белгиланган план топшириқлари юқори орган томонидан фақат истисно тариқасидагина ўзгартирилиши мумкин. Шунда ҳам бу масалалар корхона маъмурияти билан ССР Министрлар Совети белгилаб қўядиган муддат ва тартибларда олдиндан муҳокама қилиниши лозим.

Юқори орган корхонанинг план топшириқларини ўзгартирганида планнинг бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган бошқа кўрсаткичларига, шунингдек корхонанинг бюджет билан ҳисоб-китобларига зарур ўзгартиришлар киритилиши лозим.

48. Корхона бошқа корхона ва ташкилотлардан маълум иш бажариш ҳамда буюртмачининг хом ашёси ва материалидан ёки ўз материаллари ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан планга қўшимча маҳсулот тайёрлаб бериш учун заказлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда давлат томонидан белгилаб қўйилган планнинг бажарилишига ва шартномаларда белгиланган мажбуриятларга путур етмаслиги керак.

### КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА КАПИТАЛ РЕМОНТ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАР

49. Корхона қурилиш-монтаж ташкилотлари билан тузиладиган пудрат шартномаларига кўра, капитал қурилиш ҳамда асосий фондларни реконструкция қилишни амалга оширади. Капитал қурилишни пудрат усули билан амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмайдиган ҳолларда бу ишлар хўжалик усули билан амалга оширилиши мумкин.

50. Корхона лойиҳа ташкилотлари билан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича шартномалар тузади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари СССР Министрлар Совети белгилаган тартибда тасдиқланади.

Корхона директори қуйидагиларни тасдиқлайди:

корхона фонди ва кенг истеъмол фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган ҳамма қурилиш объектларининг титуль рўйхатлари;

марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган уй-жой, маданий-маиший ва коммунал-хўжалик объектлар қурилишининг титуль рўйхатлари билан бир қаторда шаҳарларда клуб қурилиши, маданият ва спорт саройлари қурилиши, стадионлар ва сузиш бассейнлари қурилишининг титуль рўйхатлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясини таъминлаш юзасидан бажариладиган ишларнинг титуль рўйхатлари;

корхона ичидаги қурилишларнинг пудратчилар билан келишилган титуль рўйхатлари.

Корхона фонди ва кенг истеъмол фонди маблағлари ҳисобига қуриладиган объектларнинг титуль рўйхатлари, шунингдек меҳнатни муҳофаза этиш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясини таъминлаш юзасидан бажариладиган ишларнинг титуль рўйхатлари касаба союзлари фабрика, завод маҳаллий комитети билан келишган ҳолда корхона директори томонидан тасдиқланади.

51. Корхона пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузиб, уларнинг ҳоҳиши билан қурилиш-монтаж ишларини бажаришни уларга ўтказиши ва шу боиздан меҳнат, фонд ва материаллар бўйича лимитларни ҳам пудрат ташкилотларига ўтказиши мумкин ва бу ҳақда юқори органга хабар қилади.

52. Капитал ремонт планлари ва шунга мувофиқ тарзда смета, молия ҳисобкитоблари корхона директори томонидан тасдиқланади. Асосий воситаларнинг капитал ремонти бўйича ишлар хўжалик усули билан ҳам, пудрат усули билан ҳам амалга оширилаверади.

Агар корхона капитал ремонт бўйича бутун ишлар ҳажмини пудрат усули билан бажариш учун пудрат ташкилотига ўтказса, бу ҳолда корхона пудрат ташкилотига шунга мувофиқ тарзда меҳнат лимитлари, фондлар ва материалларни ҳам ўтказиши мумкин. Шундан кейин бу ҳақда юқори ташкилотга хабар берилади.

53. Корхона пудрат ташкилоти билан келишган 

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН 1965 ЙИЛ 4 ОКТЯБРДА ТАСДИҚЛАНГАН

# СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

(Бошы учинчи бетда).

Зарур ҳолларда корхона муайян ишлаб чиқариш тармоғида ягона техника сиёсати юритаётган орган белгилаб қўйган технологик процессларни ўзгартириш ҳуқуқига эгадир, аммо бу ҳолда технологик процесснинг ўзгариши маҳсулот сифатини яхшилаши (уни пишиқ, пухта ва узоққа чидайдиган қилиши) керак, ёки бўлмаса унинг (маҳсулотнинг) сифатига путур етказмасдан ҳамда давлат стандартлари ва техника шартларини бузмай, маҳсулот таннархини камайтириши ёки бошқа бир ижобий самара бериши лозим. Бунга юқори орган тасдиқлаган ва унинг рухсатисиз ўзгартириш мумкин бўлмаган технологик процесслар киримайди. Технологик процесснинг ўзгаргани ҳақида уни тасдиқлаган органга тезда хабар қилиш керак.

Қишлоқ хўжалик корхонаси хўжаликни ва унинг айрим тармоқларини юритиш системасини белгилайди, ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш структураси, экиш муддати ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқа технологик процессларини белгилайди.

Транспорт ва алоқа корхоналари ишининг технологик процессларини тасдиқлаш ва ўзгартириш тартиби муайян министрликлар (муассасалар) томонидан белгиланади.

58. Корхона заказчилар билан келишган ҳолда маҳсулотнинг айрим турлари бўйича, — агар улар учун давлат стандартлари бўлмаса ва муайян ташкилотлар томонидан техника шартлари белгиланмаган бўлса, — юқори техник даражада маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида техника шартлари белгилайди.

Корхона заказчи билан келишган ҳолда давлат стандарти ҳамда техника шартларидан юқорироқ сифат билан маҳсулот тайёрлаши мумкин. Бу билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар сифати яхшиланган маҳсулотнинг берадиган иқтисодий самарасини ҳисобга олган ҳолда қопланади.

59. Корхона агарда норматив тасдиқлаш юқори органнинг ихтиёрида бўлмаса, хом ашё, материал, ёқилғи, электр энергияси, уруғ, ем-хашак ҳамда ўғит сарфлаш нормаларини тасдиқлайди.

60. Корхона амалда бўлган қонунларга мувофиқ тарзда илмий тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ташкилотлари ҳамда олий ўқув юртлари билан ишлаб чиқаришнинг янги техникаси ва технологиясини ишлаб чиқиш учун, корхона реконструкцияси лойиҳасини тузиш учун, унинг айрим цехлари, участкаларн, бўлимлари ва фермалари реконструкцияси лойиҳасини тузиш учун, шунингдек, ускуналарни модернизациялаш, ишлаб чиқариш процессларини механизацциялаш ва автоматлаш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан шартномалар тузиши мумкин.

Ана шу ишларни бажариш учун харажатлар корхона маблағлари ҳисобидан, шунингдек банк кредити ҳисобидан қилинади.

## МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ВА СОТИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАР

61. Корхона маҳсулот тақсимлашнинг планли актлари (нарядлар, фонд маълумотлари ва бошқалар) асосида тузиладиган шартномаларга кўра, ўзининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти учун зарур бўлган ускуна, хом ашё, материаллар, ёқилғи ва бошқа моддий бойликларни олиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган моддий бойликлар бирон бир қўшимча шарт келишиб олиниши талаб этилмаса, маҳсулот етказиб бериш учун ҳамма маълумотлар ёзилган ва бажариш учун қабул қилиб олинган нарядлар (ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар) асосида ҳам олиниши мумкин.

Корхона ўзи учун зарур бўлган моддий-техника предметларини давлат ва кооператив ташкилотлари билан тузиладиган шартномаларга кўра нарядсиз сотиб олиши, шунингдек, амалдаги қонунлар белгилаган тартибга кўра, майда улгуржи, махсус базаларда ҳамда чакана савдо магазинларидан сотиб олиши мумкин.

62. Корхона маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузаётганда ўзи учун ажратилган ортиқча ва зарур бўлмаган маҳсулотдан воз кечиши мумкин, бу ҳолда корхона воз кечганлиги ҳақида маҳсулот етказиб берувчига, фонд эгасига ҳамда наряд берган органга наряд қўлига теккандан кейин ўн кундан кечикмасдан хабар беради.

Корхона, шунингдек, маҳсулот етказиб берувчи билан келишган ҳолда шартномада кўзда тутилган маҳсулотга эҳтиёж ўзгарса, бу маҳсулотни олишдан воз кечиш ҳуқуқига эга, бу ҳолда корхона шу ҳусусда беш кун ичида фонд эгасига ва наряд берган органга хабар қилади.

63. Корхона белгиланган нормаларга мувофиқ тарзда шу корхона учун шартномалар бўйича зарур бўлган маҳсулотлар тайёрлаш учун бошқа корхоналар ва ташкилотларга фондлар ёки ўз ресурсларидан материаллар ва комплектловчи ускуна бериши мумкин.

64. Корхона материаллар, хом ашё ва ускуна фондларини шартномалар бўйича реализация қилиш учун бошқа корхоналар ва ташкилотларга бу ишни топшириш ҳуқуқига эга, бу ҳолда шу ишлар юзасидан бўладиган харажатларни белгиланган нормаларга кўра корхона кўтаради.

65. Корхона ўз ихтиёрида бўлган маблағлар доирасида ҳамда банк кредити ҳисобидан корхонанинг асосий фондлари бўлиб қоладиган ускуналар, машиналар ва бошқа моддий бойликлар олиш юзасидан шартномалар тузиши мумкин.

Корхона илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ўтказиш учун ана шу максадга ажратилаётган маблағлар доирасида махсус ускуналар, приборлар ва материаллар қотиб олиш ҳуқуқига эга.

66. Корхона ўз маҳсулотини маҳсулот етказиб бериш шартномаларига кўра сотади, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республика қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Юқори орган томонидан ёки маҳсулот сотадиган ташкилот томонидан тақсимланадиган маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар ана шу орган ёки ташкилот томонидан бериладиган буйруқ актлари (нарядлари) асосида тузилади.

Юқоридаги тартибда тақсимланмайдиган маҳсулот реализацияси шартномаларини эса корхона мустақил тарзда муайян сотиб олувчи ташкилот (заказчи) билан келишиб тузади.

67. Корхона харидор (заказчи) билан келишган ҳолда зарур бўлиб қолган тақдирда шартномада кўзда тутилган ассортиментда маҳсулот етказиб бериш муддатларини ва маҳсулот етказиб беришнинг бошқа шартларини ўзгартириш ҳуқуқига эга ҳамда ишлаб чиқариш планини ортиғи билан бажариш истеъмолчи ёки бошқа истеъмолчи танлаб олмаган маҳсулот ҳисобидан муддатидан илгари маҳсулот етказиб бериши мумкин.

План топширигида кўзда тутилган маҳсулот ассортименти ўзгаргани ҳақида корхона муайян органларга хабар беради.

68. Корхона бошқа давлат ҳамда кооператив корхоналари ва ташкилотлари (булар қаторига колхозлар ҳам кирада)га нарядлар бўйича маҳсулот сотилмай турган тақдирда маҳсулотни фондсиз реализация қилиш ҳуқуқига эга.

69. Корхона илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш жараёнида уларга зарур бўлиб қолган хом ашё, ярим фабрикатлар ва тайёр буюмларни белгиланган тартибда ҳақ олиб сотиш ҳуқуқига эгадир.

70. Корхона белгиланган тартибга мувофиқ, бошқа корхона ва ташкилотларга уларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти учун зарур бўлган ишлаб чиқариш чиқиндиларини пландан ташқари бериши мумкин, ана шу корхоналарда улар қайта ишланади.

## МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАР

71. Корхона ўз обороти маблағлари нормативини элементлар бўйича белгилаганида юқори орган белгилаб қўйган умумий норматив доирасидан чиқиб кетмаслиги керак. Корхона бунда план топшириқларига ҳамда товар-моддий харажатлар ва запаслар нормасига риоя қилади.

Корхона томонидан ишлаб чиқариладиган ўз оборот маблағларининг нормативлари моддий ва молия ресурсларидан рационалроқ ва самаралироқ фойдаланишга имкон бериши ҳамда оборот маблағларининг айланишини жадаллаштириши керак.

72. Корхона банк кредитидан фойдаланиши мумкин. У кредит маълум мақсадда фойдаланганлиги ҳамда уни ўз муддатида қайтариб бериш учун жавобгардир.

73. Корхона амалдаги қонунлар асосида смета-молия ҳисобларини ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар учун қилинаётган харажатларнинг қопланишн юзасидан ҳисоб-китобларни ишлаб чиқади:

янги техника ҳамда янги материалларни яратиш ва татбиқ этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш, ускуналарни модернизациялаш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш процесслари рационализацияси ва интенсификацияси;

халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилаш;

ушбу ҳисоб-китобларни корхона директори тасдиқлайди.

74. Корхона амалдаги қонунларга мувофиқ, маҳсулотнинг айрим турлари (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) бўйича нарх ва тарифлар, шунингдек маҳсулотларнинг юқори орган тасдиқламайдиган нарх ва тарифларни ҳам белгилайди. Маҳсулот нархи ҳамда бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳақи миқдори (корхона ички эҳтиёжи учун зарур бўлганлари бундан мустасно) заказчи корхона билан келишиб белгиланади.

75. Корхона маъновий жиҳатдан эскириб қолган, путурдан кетган ва бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлган ҳамда уларни таклиф қийин ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ускуна, транспорт воситалари, инвентарь ва инструментни уларни реализация қилиш ҳам мумкин бўлмаса баланслаш ўчириб юборади.

Корхона янги объектлар қурилганлиги муносабати билан бузиб юборилган бино ва иншоотларни, шунингдек яроқсиз бўлиб қолган бино ва иншоотларни ҳам ўз балансидан ўчиради.

76. Корхона қуйидаги ҳолларда зарар кўриш ҳуқуқига эга ва бу ҳолларда юқори органни хабардор қилади:

даъво муддати ўтиб кетган дебитор қарздорлиги;

ҳукм қилинган қарзни жавобгар тўлай олмаслиги ҳақида суд гасдиги билан қўшиб юборилган акт ва ижро ҳужжатлари ҳамда жавобгар мулки ҳисобидан қарзни ундириб олиш иложи бўлмаган тақдирда.

корхона ундириб олиш иложи бўлмайди деб ҳисоблаган қарзлар.

77. Корхона юқори ташкилотни хабардор қилиб, ўз балансидан алоҳида-алоҳида олинган ҳар бир ҳолда 100 сўмгача маблағни ўчириб юбориши мумкин:

бойликлар камомади зарар нормасидан ошиб кетган ҳолларда, шунингдек, айбдорлар аниқланмасдан товарлар, материаллар ва маҳсулотлар бузилгандаги бойликлар камомади;

товар-моддий бойликлар камомади юзасидан қарзлар даъволар асосланмаганлиги учун суд томонидан ундириб берилмаган тақдирда.

78. Ушбу Низомнинг 76 ва 77-бандларида кўрсатилган зарарлар корхона балансидан унинг сабаблари жамоат ташкилотлари иштироки билан пухта текширилгач, зарар кўриш сабаблари, бунда айбдор бўлган шахслар аниқлангач ҳамда ана шу шахслардан зарар оқибатида йўқотилган маблағ ундириб олиш учун зарур тадбирлар белгиланганидан кейин ўчириб юборилади.

79. Корхона маъмурий-бошқарув харажатлари сметасини, маблағларни ҳар тарафлама иқтисод қилиш заруратидан келиб чиқиб, юқори орган томонидан тасдиқланадиган умумий иш ҳақи фонди чегарасида ҳамда маъмурий-бошқарув харажатлари ҳажмида ишлаб чиқади.

Маъмурий-бошқарув харажатлар сметаси корхона директори томонидан тасдиқланади ва ўзгартирилади.

80. Корхона ўз ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларини алоҳида балансга ўтказиши мумкин; ана шу ишлаб чиқаришлар фаолияти билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар учун корхона жавобгардир. Ана шу ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар балансларининг активлари ва пассивлари корхона умумий балансига киритилади.

## МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАР

81. Корхонага қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

а) ишчиларнинг айрим группалари учун меҳнатга ишбай, вақтбай ёки аккорд усулида ҳақ тўлаш;

б) ишчиларнинг касби-кори бўйича рўйхатини тузиб чиқиш, бунда меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай усули асосида ишлаётган ишчиларга ишбай усулида ишлаётган ишчиларнинг тариф ставкасини қўлланиш ҳамда вақтбай асосида ишлаётган ишчиларга тариф ставкаси ўрнига ойлик маош белгилаш;

в) тариф ставкаси асосида ҳақ тўланиб, иссиқ цехларда ҳамда оғир ишларда банд бўлган, меҳнат шароити зарарли бўлган, меҳнат шароити айниқса оғир ва айниқса зарарли бўлган ишлардаги ишчиларга ана шу касби-корлар ва ишлаб чиқариш тармоқлари иши бўйича рўйхат тузиш;

г) типовой низомлар асосида ишчиларни мукофотлаш кўрсаткичлари ва шартларини белгилаш;

д) амалдаги тариф-квалификация справочникига мувофиқ тарзда ишларнинг разрядини белгилаш ҳамда ишчиларга разрядлар бериш, янги касбдаги ишчилар тарификацияси справочникларда баён этилган ана шу ишга ўхшаш ишлар характеристикасига монанд тарзда юқори органга хабар бериб, амалга ошириладн;

е) ишлаб чиқаришнинг айрим цехлари, участкалари ва бўлимларида ишлаётган инженер-техник ходимлар ва хизматчилар учун корхонанинг муайян бўлимларн олдида турган конкрет вазифаларни ҳисобга олиб, типовой низомларда белгиланган мукофотлаш шартлари ва миқдорини эътиборга олиб, мукофотлашнинг кўрсаткичлари, шартлари ва миқдорини белгилаш:

ж) белгиланган тартибга мувофиқ тасдиқланган кўрсаткичлар негизида раҳбарлар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ишлаб турган корхоналарнинг цехлари, участкалари, бўлимлари, фермалари ва бошқа ички звеноларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг муайян группаларига киритиш, шунингдек ана шу звеноларни ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганлиги муносабати билан бир группадан иккинчи группага ўтказиш;

з) меҳнат қонунларига мувофиқ тарзда ҳамда юқори орган томонидан тасдиқланадиган нормал бўлмаган иш куни асосида меҳнат қиладиган ходимларнинг лавозимлари рўйхатига мувофиқ тарзда иш куни нормаллаштирилмаган ходимлар учун қўшимча отпусканинг муддатини белгилаш;

и) нормал иш куни белгилаш мумкин бўлмаган айрим ишлаб чиқаришлар, цехлар, участкалар, бўлимлар ишчи ва хизматчилари иш вақтининг жамлаб ҳисобга олинишини расм қилиш; қишлоқ хўжалиги корхоналарида иш айни қизиган кезларда (экиш, парвариш, ем-хашак жамғариш, ҳосилни йиғиштириб олиш, ер ҳайдаш), нормал иш вақти доирасида иш кунининг узунлиги ҳисобга олинаётган давр учун, амалда бажарилган иш учун мавжуд нормалар ва расценкаларга кўра ҳақ тўлаб ўзгартириш.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида иш вақтини жамлаш тартибини СССР Министрлар Совети белгилайди:

к) белгиланган тартибда ишлаб чиқариш нормаларининг ва хизмат кўрсатиш нормаларининг янгиларини тасдиқлаш ва мавжудларини қайта кўриб чиқиш;

л) иш характерига кўра, дам олиш кунлари ҳамда байрам олди кунларида ходимлар учун қисқартирилган иш куни белгилаш мумкин бўлмаган, нормалан ташқари соатлар жамланиб қўшимча дам олиш куни бериладиган ишлаб чиқаришлар рўйхатини тасдиқлаш;

м) белгиланган тартибда ҳақ тўлаб мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда ишчи касблари ўриндошлигига рухсат бериш.

Мазкур банднинг «а»—«м» бандчаларида кўрсатилган тадбирлар корхонанинг иш ҳақи фонди доирасида корхона директори томонидан касаба союзларининг фабрика, завод, маҳаллий комитети билан келишган ҳолда амалга оширилади;

н) касаба союзларининг фабрика, завод маҳаллий комитетлари билан келишган ҳолда, СССР Министрлар Совети томонидан белгиланадиган тармоқ нормалари асосида ишчи ва хизматчиларга текинга махсус кийим, махсус пойафзал ва эҳтиёт мосламаларини олиш ҳуқуқини берадиган ишлар ва касблар рўйхатини белгилаш, шунингдек ишчи ва хизматчиларга иш шароити зарарли бўлгани учун сут-қатиқ ва махсус совун олиш ҳуқуқини берадиган ишлар ва касблар рўйхатини белгилаш.

82. Корхона юқори орган томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган типовой структура ва штатларга мослаб ўз структураси ва штатини ишлаб чиқади. Корхона структура ва штатини директор тасдиқлайди.

Корхона директори амалдаги қонунлар асосида иш ҳақи фонди доирасида лавозимлар учун белгиланган маошлар схемасига мувофиқ, шунингдек штат рўйхати бўйича ўртача иш ҳақига мувофиқ тарзда инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг маошини ўзгартириши мумкин.

Корхонанинг директор томонидан тасдиқланган штатлари, маошлари, шунингдек маъмурий-бошқариш харажатлари молия органларида рўйхатдан ўтказилмайди.

83. Корхона юқори малакали мастерлар ва бошқа инженер-техник ходимлар иш ҳақига лавозим учун белгиланган маошнинг 30 процентигача миқдорда қўшимча ҳақ (надбавка) белгилаши мумкин, бу мақсад учун хўжалик раҳбарлиги бўйича юқори органнинг рухсати билан корхона планли иш ҳақи фондининг 0,3 процентигача фойдаланилиши мумкин. Ушбу қўшимча ҳақ (надбавка) штат рўйхати бўйича ўртача иш ҳақи ҳажмга аниқланаётганида ҳисобга олинмайди.

84. Корхона план бажарилиши процентига мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган ва ўтган квартал ва ойларда иш ҳақи фондини тежаш туфайли юзага келган маблағни шу йилнинг бундан кейинги квартал ва ойларида иш ҳақи ва мукофот тарзида бериши мумкин.

Иш ҳақи фонди ортиқча сарфлаб юборилган тақдирда келгуси ойларда унинг ўрни тўлдирилиши керак, иш ҳақи фондини ортиқча сарфлаб юборишга йўл қўйган корхона раҳбарлари эса унинг ўрни тўлдирилгунча мукофотдан маҳрум бўладилар. Иш ҳақи фондидан ортиқча сарфлаб юборилган маблағнинг қопланмаган қисми ҳисобот йилидан кейинги йилнинг, узоғи билан 1 июлга қадар корхона «бўйнида» туради.

Агар корхона муддатида (олти ой) ёки муддатидан илгари ортиқча сарфлаб юборилган иш ҳақи фондининг ўрнини батамом тўлдирса, ортиқча харажатларга йўл қўйган корхона раҳбар ходимларига мукофотнинг 50 процентн берилади, бу мукофот ўтган даврда корхона иш ҳақи фонди ортиқча сарфлаб юборилгани учун берилмай қўйган эди.

Корхонанинг цехларида, бўлимларида, фермаларида ва бўлимларида иш ҳақи фонди ортиқча сарфлаб юборилса, мукофот юқоридагидек тартибда берилади. Бу ҳолда иш ҳақи фондини ортиқча сарфлаб юборганлик корхонанинг фақат муайян структура бўлинмалари бўйича ҳисобга олинади.

Умуман корхона бўйича иш ҳақи фонди ортиқча сарфлаб юборилмаган бўлиб, айрим цехларда, участкаларда ва корхонанинг бошқа звеноларида ўтган даврда иш ҳақи фонди ортиқча сарфлаб юборилган бўлса корхона қопланмаган ортиқча харажатлардан кечиб юбориши мумкин.

85. Корхона тасдиқланган иш ҳақи фондидан ташқари юқори ташкилот билан келишиб олинган кўрсаткичларга мувофиқ тарзда маблағ билан таъминлашнинг марказлаштирилмаган маблағлари (корхона фонди, кенг истеъмол фонди, ССР Давлат банки ва СССР Қурилиш банкининг ссудалари, социалистик мусобақа мукофотлари ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа манбалар) ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишларида банд бўлган ходимлар учун иш ҳақи фонди белгилаш ҳуқуқига эга.

86. Корхона мустасно ҳолларда айрим ходимларга иш ҳақи ҳисобидан бир ойлик маошдан оширмасдан планда кўзда тутилмаган аванс бериши мумкин.

87. Корхона зарур ҳолларда ходимларга уларнинг илтимосига кўра иш ҳақи сақланмагани ҳолда қисқа муддатли отпуска бериши мумкин.

88. Корхона илғор ишчи ва хизматчиларни уларнинг хоҳишига кўра олий ўқув юртларига ўқишга юбориши ҳамда уларга амалдаги қонунларга кўра юқори стипендия тўлаши мумкин, аммо бу ҳолда ана шу ходимлар ўқув юртини тугатгач, ўзларини ўқишга юборган корхонага қайтиб келиш мажбуриятини олишлари шарт. Олий ўқув юртлари ва техникумларга юборилаётган кишиларнинг номзодлари, уларга юқори стипендия белгилаш масаласи корхонанинг жамоат ташкилотлари билан биргаликда кўрсатилади ва ҳал этилади.

## V. Корхонани бошқариш

89. Корхонага директор (бошлиқ, бошқарувчи) бош бўлади.

Корхона директорини юқори орган тайинлайди ва ишдан озод қилади.

90. Директор корхона ишини ташкил этади ҳамда корхонанинг аҳволи ва фаолияти учун батамом жавобгардир.

Корхона директори корхона номидан ваколатномасиз иш олиб бораверади, ҳамма ташкилот ва муассасаларда корхона номидан иш тутади, қонунга мувофиқ тарзда корхонанинг буюмлари ва маблағларини ишга солади, шартномалар тузади, ваколатномалар беради, (жумладан, ваколат бериш ҳуқуқига эга) банкларда расчет-счетларн ва корхонанинг бошқа счетларини очади.

Корхона директори ўз ҳуқуқи доирасида корхона бўйича буйруқлар чиқаради; меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ тарзда ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, рағбатлантириш тадбирларини кўради ҳамда корхона ходимларини маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатиш касаба союз фабрика, завод маҳаллий комитетининг розилиги билан бўлади.

91. Корхона директорининг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва техника назорати бўлимининг бошлиги директорнинг тақдимига мувофиқ юқори орган томонидан тайинланади ва ишдан бўшатилади. Улар ўзларига топширилган иш участкаси учун батамом жавобгардирлар.

Корхона директорининг ўринбосарлари ўз ҳуқуқлари доирасида корхона номидан иш юритадилар, бошқа муассасалар ва ташкилотларда корхонанинг вакилидирлар, хўжалик операцияларини бажаришлари ҳамда ваколатномасиз шартномалар тузишлари, шунингдек, корхона ходимларига ваколатномалар беришлари мумкин.

92. Корхона директор ўринбосарларининг ҳамда корхонанинг бошқа раҳбар ходимларининг ҳуқуқ доиралари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республика қонунларига кўра директор томонидан белгиланади.

93. Корхонанинг цехлари, бўлимлари, бўлинмалари, участкалари, ишлаб чиқаришлари, хўжаликлари, фермалари ва бўлак структура бўлинмаларини корхона директори тасдиқлайдиган низомларга мувофиқ иш тутадилар.

94. Мастер (старший мастер, участка бошлиғи, бригадир, ферма мудири, иш юритувчи, старший иш юритувчи) ишлаб чиқаришни ва меҳнатни бевосита ташкил этувчи тўла ҳуқуқли раҳбардир ҳамда у ўз участкасида ишлаб чиқариш планининг бажарилиши ва маҳсулот сифати учун жавобгардирлар. Иш жойида ҳамма кўрсатмалар мастер томонидан берилади.

Мастер бевосита цех бошлиғига ёки корхонанинг муайян бўлинмаси бошлиғига бўйсунади.

Мастерни ишга тайинлаш, бир ишдан иккинчи ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш корхона директорининг буйруғи билан амалга оширилади.

95. Корхона маъмурияти директор сиймосида касаба союзларининг фабрика, завод маҳаллий комитети билан корхонадаги ишчи ва хизматчиларнинг вакили тарақасида коллектив шартнома тузади ҳамда зиммасига олган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

96. Корхона маъмурияти касаба союзларининг фабрика, завод маҳаллий комитети билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:

типовой қоидаларга мувофиқ тарзда ички меҳнат тартиботи қоидаларини белгилайди;

корхона фондлари ҳамда ишчи ва хизматчиларни рағбатлантиришнинг бошқа фондларидан фойдаланиш сметаларини тасдиқлайди. Ана шу фондлардан ходимларни мукофотлайди ҳамда уларга бир йўла ёрдам кўрсатади;

корхона қурган уйларни тақсимлайди ҳамда корхона ихтиёрига берилаётган бошқа уйларни ҳам тақсимлайди.

97. Корхона маъмурияти касаба союзларининг фабрика, завод маҳаллий комитети билан биргаликда социалистик мусобақани уюштиради, мусобақанинг якунларини чиқаради, ғолибларни аниқлайди, илғор коллективлар ва ходимларни рағбатлантириш масалаларини ҳал этади.

98. Корхона маъмурияти касаба союз фабрика, завод маҳаллий комитети мажлисларида план лойиҳалари, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг натижалари, коллектив шартнома бўйича зиммадаги мажбуриятлар ва планларнинг бажарилиши ҳақида, меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирлари ҳақида, ишчи ва хизматчиларга моддий-маиший ҳамда маданий хизмат кўрсатиш масалалари ҳақида, ишдаги камчиликларни йўқотиш ҳақида ҳисобот беради.

99. Ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишга ишчи ва хизматчиларни кенг жалб этиш мақсадида корхонада, йирик цехларда, бўлимларда, фермаларда ишлаб чиқариш кенгашлари ишлайди. Бу кенгашлар СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС тасдиқлаган доимий ишлаб турувчи кенгашлар ҳақидаги Низомга мувофиқ иш кўрадилар.

Корхона маъмурияти ишлаб чиқариш кенгашларининг муваффақиятли ишлашига ҳар тарафлама ёрдам беради ва унинг қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

100. Корхона меҳнаткашлар ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш мақсадида янги техника ва технологияни ишлаб чиқишнинг перспектив ва жорий планларини ишлаб чиқишга, шунингдек, бу планларни бажаришга ихтирочилар ва рационализаторлар Бутииттифоқ жамиятининг ҳамда илмий техника жамиятларининг бошланғич ташкилотларини жалб этади. Корхона ана шу бошланғич ташкилотларнинг самарали ишлашлари учун зарур шароитларни яратади, шунингдек жамоатчилик асосларида ишлайдиган конструкторлик, технологик, нормалаш бюроларининг, новаторлар советининг, илмий тадқиқот лабораторияларининг, иқтисодий анализ бюроларн ва группаларининг самарали ишлашини таъминлайди, уларга бино, ускуна-приборлар, инвентарь техника ва ёрдамчи адабиётлар бериб қўяди.

101. Корхона маъмурияти касаба союзлари фабрика, завод маҳаллий комитетлари билан биргаликда ишлаб чиқариш техника ва иқтисодий конференциялари, ишлаб чиқариш илғорларининг кенгашларини доим чақириб туради, бу кенгашларда техника прогресси ва корхонанинг иқтисодий ривожланиши масалалари муҳокама қилинади. Корхона фаолиятидаги ва унинг айрим цехлари фаолиятидаги камчиликларни тугатиш тадбирлари ишлаб чиқилади.

102. Ходимлар мажлисида корхона маъмуриятининг докладлари бўйича ишлаб чиқариш планлари лойиҳаси, планларнинг бажарилиш якунлари, коллектив шартномалар лойиҳалари ҳамда улар юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилиши, ишлаб чиқариш, маишат ва ходимларга маданий хизмат кўрсатиш ҳамда корхона фонди (кенг истеъмол фонди)дан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинади. Корхона маъмурияти аввалги мажлисларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳақида ҳисоб беради.

103. Корхоналарда партия-давлат контролига кўмаклашувчи группалар ва постлар тузилади, корхона маъмурияти уларнинг ишида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши, уларнинг таклифларини қараб чиқиши ҳамда аниқланган камчиликларни йўқотиш юзасидан зарур тадбирларни кўриши керак.

104. Корхона фаолиятини юқори орган ва партия-давлат контроли органлари текширадилар.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти юқори орган томонидан манфаатдор ташкилотларни жалб этиб, йилига бир марта тафтиш қилинади.

## VI. Корхонани қайта тузиш ва тугатиш

105. Корхонани қайта тузиш ва тугатиш муайян корхонани бунёд этиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг қарори билан амалга оширилади.

106. Агар бир корхона иккинчи корхона билан қўшиб юборилса, бу корхоналар ҳар бирининг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари уларнинг қўшилиши натижасида барпо бўлган корхонага ўтади.

Агар бир корхона иккинчи бир корхонага қўшилса, қўшилган корхонанинг жами мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари иккинчи корхонага ўтади.

107. Агар корхонадан янги корхоналар бўлиниб чиққан тақдирда янги корхоналар бўлиш актига мувофиқ муайян улушлар ҳамда тугатилган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади.

Агар бир корхонадан битта ёки бир неча янги корхона ажралиб чиқса, уларнинг ҳар бирига бўлиниш актига кўра тугатилаётган корхонанинг улушлари ҳамда мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтади.

108. Корхонани тугатиш юқори орган тайинлаган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади ёки юқори органнинг топширигига мувофиқ тугатилаётган корхонанинг директори томонидан амалга оширилади.

109. Корхонани тугатиш тартиби ва муддатлари юқори орган томонидан белгиланади. Ана шу юқори орган давлат планининг бажарилишига путур етказмасдан туриб тузилган шартномаларнинг бажарилиш тартиби ҳақидаги масалаларни ҳал этади.

Тугатилаётган корхоналарга эътирози бўлган қарз берувчиларнинг (кредитор) ариза бериш муддати қарор билан шу корхона тугатилаётган орган томонидан белгиланади. Лекин бу муддат бир ойдан кам бўлмаслиги керак.

110. Тугатиш комиссияси ёки зарур ҳолларда тугатилаётган корхонанинг директори шу корхона жойлашган область, ўлка, республика расмий матбуот органида корхона тугатилаётганлиги ҳамда кредиторлардан даъво учун ариза олиш муддатлари кўрсатилган эълон беради. Бундан қатъи назар, тугатиш комиссияси ёки тугатилаётган корхонанинг директори ўз қўлидаги материалларга асосан корхона кредиторларининг даъволарини аниқлайди ҳамда уларни корхона тугатилаётганлигидан хабардор этади.

Тугатилаётган корхонага бўлган даъволар қонунга кўра, ана шу корхонанинг мулки ҳисобидан қондирилади.

Даъволар ҳақида ариза бериш муддати ўтиб кетгандан кейин тушган ва аниқланган даъволар қолган мулк ҳисобига қондирилади. Бу қолдиқ мулк аниқланган даъволарни ҳамда белгиланган муддатда тушган даъволарни қондиришдан кейин пайдо бўлгандир.

Тугатиш муддати ичида аниқланмаган ва баён этилмаган даъволар, шунингдек, тугатилаётган корхонанинг мулки кам бўлганлиги учун қондирилиши мумкин бўлмаган даъволар қондирилди деб ҳисобланилади.

Агар кредиторлар даъволари батамом ёки қисман тан олинмаганлиги ҳақидаги хабарни олгандан сўнг, икки ҳафта ўтгач, даъвони қондириш ҳақида иш қўзғамасалар, тугатиш комиссияси томонидан тан олинмаган ёки қисман тан олинган даъволар ҳам қондирилди деб ҳисобланади.

111. Тугатилаётган корхона тўлаши лозим бўлган ҳамда киши соғлиғига зиён етказиш ва ўлим билан боғлиқ бўлган тўловлар амалда бўлган қонунлар йўли билан таъминланади.

Гражданларнинг соғлиққа зиён келтирган ва ўлим сабабчиси бўлган зарарлар ҳақидаги эътирозлари ва даъволари, шунингдек корхона тўла тугатилгунга қадар узрли сабабларга кўра тақдим этилмаган эътироз ва даъволар кейинчалик умумий тартибда тугатилган корхонага нисбатан юқорироқ бўлган органга тақдим этилиши мумкин. Бу орган ўзи тан олган ёки суд қондирган талабларни қондириши тугатилган корхонанинг мулкини олган ва шу органга бўйсунган корхона зиммасига юклаши мумкин.

## Солдат МАКТУБЛАРИ

## ДИЛ САТРЛАРИ

«Олтин Ўлка — Ўзбекистоннинг бойлигига бойлик, шуҳратига шуҳрат қўшаётган қўли гул, қалби қўёш пахтакорлар!

Момиқ пахта тоғи бунёд этган замон фарҳодлари!

Терим суръатига қанот бўлган «зангори кема» чавандозлари!

Сиздарга олқиш, минг офарин!»

Беғоён Ватанимизнинг турли ерларидан ҳар куни редакциямизга келаётган ўнлаб солдат мактубларининг аксариятида ана шундай сатрларни ўқийсиз.

— Бўлинмамизда ўзбек йигитлари кўп,— деб ёзади солдат Р. Ҳакимов.— улар бир неча газета ва журналлар қатори «Совет Ўзбекистони»нинг янги сонини сабрсизлик билан кутадилар. Биз ҳозир газетанинг янги сонини қўлга олиш билан республикамизда пахта йиғим-теримининг борши тўғрисидаги жадвалга боқамиз. Пахта хирмони ҳақидаги хушхабарларни мириқиб ўқиймиз. «Оқ олтин» тоғлари бунёд. корларининг ҳар бир ютуғи биз учун катта қувонч. Азиз пахтакорларга мадад тилаймиз!

— Пахтакор! Нақадар қутлуғ ном. Бу номни биз иффтихор билан тилга оламиз. Зероки, пахта ўзбек халқининг иффтихори, шоншуҳрати. Биз, ўзбекистонлик солдатлар пахтакорларнинг тинч меҳнатини, осойишта турмушини кўз қорачиғидек асраб, ҳамшаҳар, ҳамқишлоқларимиз ноҳаозларини аъло даражада бажараётирмиз, деб ёзишади, ўз мактубларида О. Ҳололов, А. Яҳёев, Н. Исоқов ўртоқлар. Биз, юртдошларимизн

## ЯНГИ ХУШХАБАРЛАР

ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН

Хушхабар кетидан хушхабар... Йирик пахтакор районлар, областлар бирин-кетин маррага етмоқда. Қаҳрамонона меҳнат ҳамма ерда тантана қилмоқда. Редакциямиз ҳар куни шу ҳақда кўплаб хат-хабарлар олаётир.

— Шўрчи районининг барвақт маррага етишида,— деб ёзади ўртоқ Б. Меликов, — йирик пахтакор хўжаликлар қатори Энгельс номли колхоз фидокорларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Колхоз районда биринчи бўлиб ғалаба рапорти берди. Она-Ватанга 3166 тонна «оқ олтин» армуғон қилинди. Бу, гектаридан 27 центнердан кўпроқ «оқ олтин» етиштирилди демакдир. Денов районидаги Собир Раҳимов номли колхоздан хабар ёзиб юборган газетхон Х. Курбонов эса хўжалик пахтакорлари ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга кўтариш йўлида фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилаётганликлари тўғрисида ҳикоя қилган.

Пайарик районидаги «Ленинизм» колхози пахтакорлари катта меҳнат эвфарини қўлга киритдилар. Об-ҳаво инжиқлигини мардонавор меҳнатлари билан енгган шоссозлар пахтадан ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирдилар, пахта тайёрлаш плани бажарилгани, она-Ватанга 2400 тонна «оқ олтин» топширилгани тўғрисида муддатидан олдин рапорт бердилар. Ҳозир колхозда Ватанга яна 600 тонна пахта етказиб бериш учун қизғин кураш бораётир. Газетхон ўртоқ У. Чиниқулов шу ҳақда ёзиб юборган. Ўртоқ Ш. Очиловнинг маълум қилишича, Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхозининг азамат деҳқонлари пахта тайёрлаш планини энг қисқа муддатда бажардилар. Гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Яна гектар бошига 7 центнердан ҳосил териб олиш хўжалик деҳқонларининг қатъий ваъди. Самарқанд областининг бошқа районларидан келган кўпгина хатларда ҳам илғор хўжаликлар фидокорларининг қаҳрамонона меҳнатлари мадх этилади.

Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракаева бошлиқ бригада аъзолари катта муваффақиятни кўлга киритишди. Бригада аъзолари 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 28,2 центнердан хирмон кўтаришди. Аммо, далаларда ҳали ҳосил мўл. Қаҳрамон бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектаридан давлатга яна 11,8 центнердан пахта топшириш йўлида ғайрат билан меҳнат қилаётирлар. Шу ҳақда хабар ёзиб юборган ўртоқ А. Бобоқулов бригадада машина терими плани ҳам ошириб бажарилганлигини ҳикоя қилади. Я. Вахобов, Ж. Турдиев, А. Аслонов, И. Қаландаров ўртоқлар эса Ромитан, Бухоро, Ғиждувон районларидаги айрим пешқадам хўжаликлар қўлга киритган ютуқлар ҳақида ёзадилар.

Қорақалпоғистон АССРнинг Хўжайли районидан хабар ёзиб юборган ўртоқ О. Сариев «Партия XVII съезди» колхозининг кўпгина пешқадам бригадалари жуда қисқа муддатларда ғалаба рапорти берганликларини қайд этади. Колхознинг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор ўртоқ Ф. Убайдуллаев бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш йўлида мусобақани авж олдираётирлар. Т. Бекжонов, Х. Қурбонов ўртоқлар эса ўз хатларида Амударё ва Тўрткўл районларидаги баъзи хўжаликлар фаолиятидаги ибратли ишларни акс эттирганлар.

Боёвут районидаги 1-«Боёвут» совхози далаларида,— деб ёзади ўртоқ У. Ибодуллаев, —ҳаёт қайнамоқда. Пахтазорларда «Зангори кема»лар тинмай гуриллаяпти. Кўпминг килограммчилар янги мартаграрга интилишяпти. Совхозда 100-150 тоннагача пахта териб берган механик-ҳайдовчилар талайгина бор. Газетхон ўртоқ К. Назаровнинг хатида эса, Жиззах районидаги Ленин номли колхоз азаматларининг фидокорона меҳнатлари ўз ифодасини топган.

Редакция, шунингдек, бошқа қатор районлардан ҳам азамат пахтакорлар меҳнатига бағишланган яна кўпгина хат-хабарлар олди.

# ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ИШЧИЛАР ҲАРАКАТИ

Урушдан кейинги йигирма йил ичида жаҳонда жуда катта сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Социализм қудратли халқаро кучга айланди ва ҳозирги замон тарихининг бутун боришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда.

Империализмнинг шармандали мустамлакачилик системаси бизнинг кўз ўнгимизда емирилиб тушди ва Осиё ҳамда Африканинг собиқ мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларининг кўпчилиги ўз мустақил давлатига эга бўлиб қолди. Мустамлакачилик қуллигидан озод бўлган мамлакатларнинг халқлари «ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Улар янги ҳаёт яратувчилар ва халқаро ҳаётнинг актив иштирокчилари сифатида, империализмни емирувчи революцион куч сифатида қўтарилиб чиқдилар» (КПСС Программаси).

Маълумки, мазлум халқлар билан империализм ўртасидаги қарама-қаршилик миллий озодлик революцияларининг ҳозирги босқичида асосий ва ҳал қилувчи қарама-қаршилик бўлиб майдонга чиқмоқда. Озодлик кураши ўзининг асосий тигини мустамлакачиларга қарши қаратмоқда. Бу курашда жамиятнинг деярли барча синфлари ва деярли барча табақалари қатнашмоқда, зотан уларнинг ҳаммаси империалистик ва мустамлакачилик зулмидан у ёки бу даражада азоб чекмоқда.

Шарқдаги носоциалистик мамлакатлар ишчилар синфи гарчи етарли даражада ўсиб ва ишчилик даражасига эриша олмаган ва шу туфайли халқлар озодлик курашининг гегемони бўлиб қола олмаган бўлса ҳам бу курашда у ғоят катта роль ўйнайди. Осиё ва Африканинг собиқ мустамлака ҳамда қарам мамлакатлари пролетариати ўз мамлакатларининг мустақилликка эришишига жуда катта ҳисса қўшди.

Жуда кўп ва энг муҳим социал проблемаларни ҳал қилиш зарур бўлиб турган, собиқ мустамлакаларни ривожлантириш йўллари тўғрисидаги масала жуда кескин қилиб қўйилган бир даврда, яъни миллий озодлик революцияларининг ҳозирги босқичида ишчилар синфининг роли беқиёс ортади. «Халқаро пролетариатнинг, — дейилади, КПСС Программасида, — янги отряди — Осиё, Африка ва Латин Америкасининг озодликка чиққан мамлакатларидаги, қарам ва мустамлака мамлакатларидаги ёш ишчилар ҳаракати жаҳон майдонига чиқди. Марксчи-ленинчи партиялар тузилди ва ўсиб улғайди. Бу партиялар тобора обрўли, танилган миллий кучга айланиб, меҳнаткашларнинг кенг қатламларини эргаштириб бормоқдалар».

Пролетариат эски жамият билан ҳеч бир жиҳатдан боғланмаган ягона синфдир. Келажак пролетариатники. Пролетариат энг илғор синф, меҳнаткашлар оммаси манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ана шу манфаатларни рўёбга чиқариш учун энг актив кураш олиб борувчи синфдир.

Пролетариатнинг пировард мақсади социалистик жамият ўрнатишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун эса империализмга қарамликни тугатиш зарур. Ривожланаётган мамлакатларнинг пролетариати шунинг учун ҳам империализмга қарши ва феодализмга қарши, умумдемократик ўзгаришларни амалга ошириш учун энг актив ва энг изчил курашчи бўлиб майдонга чиқмоқда.

Осиё мамлакатларида кейнинги ўн-йигирма йил мобайнида пролетариатнинг сони анча кўпайди, унинг уюшқоқлиги ўсди. Ҳозирги вақтда Осиё мамлакатларида салкам 14 миллион саноат ишчиси бор. Шунга қарамай, фабрика-завод пролетариатининг умумий салмоғи ҳали нисбатан анча катта эмас ва ўз тирикчилигини ўзи ўтказадиган аҳолининг анчайин оз қисмини ташкил этади. Ишчиларнинг асосий кўпчилиги ўрта даражали, майда ва жуда майда корхоналарда, шунингдек плантацияларда, транспортда, савдо-сотиқда мавсуми хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди. Ҳиндистоннинг фақат қўл меҳнати қўлланиладиган тўқувчилик корхоналарида расмий маълумотларга кўра, 5 миллион ишчи бор, яъни фабрика-завод типидаги корхоналарни, конлар ва плантацияларни бирга қўшиб олганда бутун саноатда қанча бўлса, деярли шунча ишчи бор.

Осиёдаги айрим давлатлар пролетариатининг мавқеи ва структураси ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, булар ҳар бир мамлакат тарихий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг хусусиятлари билан белгиланади. Бироқ, шунга қарамай, Европа ва Америкадаги тараққий этган капиталистик мамлакатлардан уни ажратиб турган бир қанча умумий жиҳатлар мавжуддир. Шу жиҳатлардан баъзи бирларини айтиб ўтамиз: 1) иш ҳақи даражасининг ғоят даражада пастлиги; 2) қишлоқ хўжалик ишчилари катта процентни ташкил этиши; 3) пролетариатнинг ер ва хусусий хўжаликка бўлган маҳкам алоқаси. Кўпгина ишчилар ўз иш вақтларининг фақат бир қисмигина ишлаб чиқаришда шуғулланишга сарфлайдилар, йиғим-терим мавсумида қишлоққа қайтиб кетиб, оилалари билан шу ерда яшайдилар; 4) малакасиз ва малакаси кам ишчи кучининг кўпчиликни ташкил этиши ва доимий ишчилар процентининг жуда камлиги; 5) эксплуатациянинг такрорий формаси деб аталган форма кенг тарқалганлиги ва ишчиларнинг турли хил воситачилар орқали ишга ёлланиши ҳамда уларнинг ана шу воситачилар томонидан шафқатсиз таланиши шулар жумласидандир.

Осиё мамлакатларида ишчилар синфининг моддий аҳволи оғир аҳволда қолиб келяпти. Чунончи, Ҳиндистонда ишчиларнинг реал иш ҳақи аслини олганда, 1939 йилдаги даражасида қолиб келяпти, қишлоқ хўжалиги ишчиларининг даромадлари 1950 йилдагига нисбатан камайиб кетди. Ҳиндистонда кенг истеъмол молларининг нархи оширилганлиги орқасида ишчиларнинг реал иш ҳақи анча пасайиб кетди. Шарқ мамлакатларининг кўпчилигида тирикчилик борган сари оғирлашиб кетаётганлиги сезилади.

Осиёнинг бир қанча мамлакатларида ишсизлик жуда ташвишли миқдорларга етди. Ҳиндистонда иш билан тўла банд бўлмаган ва иш тополмаётган меҳнатга лаёқатли кишилар сони 60-70 миллион кишини ташкил этади. Покистонда 4 миллионга яқин ишсиз ва ярим ишсиз, Ҳиндистонда 10 миллионга яқин, Эронда 1 миллиондан кўпроқ, Туркияда тахминан 3 миллион ишсиз бор.

Турмуш ва меҳнат шароитларининг жуда оғирлиги пролетариатни ўзининг иқтисодий ва социал ҳуқуқлари учун активроқ кураш олиб боришга даъват этмоқда.

50-йиллар ва 60-йилларнинг биринчи ярми Осиё мамлакатларида ишчилар ҳаракати янада кенг қулоч ёйганлиги билан нишонланди. Худди ана шу йилларда пролетариатнинг сиёсий чиқишлари сезиларли кучайди. Кўпгина мамлакатларда пролетариат эндиликда бевосита ўзининг манфаатлари учунгина эмас, шу билан бирга, умуммиллий мақсадлар учун ҳам, демократик характердаги талаблар учун курашмоқда. Пролетариат олиб бораётган забастовка курашига меҳнаткашларнинг бошқа гуруҳлари — хизматчилар, зиёлилар — интеллигенция, ўрта табақа намояндалари, ёшлар, студентлар ва бошқалар тобора кўпроқ қўшилаётганлиги бежиз эмас.

Осиё мамлакатларида ишчилар синфи курашининг турли формалари орасида умумий иқтисодий ва сиёсий забастовкалар, стачкалар, митинглар, оммавий намойишлар, ишчиларнинг чет эл корхоналарини босиб олиши ва шу кабилар энг характерли формалардир.

Ҳинд халқининг активлиги йил сайин ўсиб боряпти. Ишчилар синфининг забастовка ва бошқа ҳаракатлари ўтган йилларда йирик саноат марказларини ўз ичига олган бўлса, эндиликда Ҳиндистон пролетариати курашни мамлакатнинг анча территориясида олиб боряпти ва бу кураш экономиканинг турли тармоқларига ёйиляпти. Ғарбий Бенгалия, Гуджирот, Мадорас сингари штатларнинг пролетариати меҳнаткашлар манфаатлари учун курашчиларнинг биринчи сафида бормоқдалар.

Тўқимачилик, ип-газлама саноати, машинасозлик, жут, хусусан кўмир саноати ишчилари стачка ва намойишларнинг энг актив иштирокчилари бўлиб қолмоқдалар. 1963 йилда Бомбай меҳнаткашларидан бир миллион киши нархларнинг тез ўсиб бораётганлиги ва солиқларнинг жуда ҳам кўпайётганлигига қарши чиқиб, умумий забастовка эълон қилди. Бу забастовка ҳинд пролетариатининг курашида алоҳида ўрин эгаллайди. У ҳинд пролетариатининг синфий онглилиги тагин ҳам ўсганлигидан далолат беради.

Ҳинд пролетариати иқтисодий талабларни амалга ошириш учун кураш билан бирга, сиёсий курашнинг ҳинд халқи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан митинглар, намойишлар, юришлар, норозилик ҳужжатларига имзо тўплаш, очлик эълон қилиш ва граждан итоатсизлиги (сатьяграҳи) эълон қилиш, тинчликни ҳимоя қилиб чиқиш, ташқи мустақил сиёсат ўтказишни талаб қилиш, коммунистлар ва касаба союз арбобларининг таъқиб этилишига қарши норозилик билдириш каби формаларидан фойдаланмоқда.

1964 йил 5 августда Гуджирот штатининг меҳнаткашлари иш ташлади. Штатнинг шаҳарларида деярли барча завод, фабрикалар тўхтаб қолди, мактаблар, магазинлар беркитиб қўйилди, шаҳар транспорти ишламади.

Ўша йилнинг август ойида Ҳиндистонда граждан итоатсизлиги кампанияси кенг авж олиб кетди. Бу кампанияга бир неча миллион киши қатнашди. Маъмурлар қўшинларни ва полицияни жангга шайлаб қўйдилар. Сатьяграҳининг минглаб иштирокчилари қамоққа олинди.

1964 йилда Ҳиндистонда забастовкалар натижасида 1963 йилдаги 3300 минг киши-куни ўрнига, 7300 минг киши-куни йўқотилганлиги ҳам мамлакатда ишчилар ҳаракати юксалиб бораётганлигини кўрсатади. 1963 йилда 1471 та забастовка бўлиб, уларда 563 минг киши қатнашган бўлса, 1964 йилда забастовкалар 2035 тага етди ва уларда 1 миллионга яқин ишчи қатнашди. 1965 йил ҳам меҳнаткашларнинг ҳаракати янгидан юксалганлигини кўрсатди. Январь ойида Панжоб штатининг хизматчиларидан 250 минг киши забастовка ўтказиб, иш ҳақининг оширилишини талаб қилди. Февраль ўрталарида Ҳиндистон ўрта мактаб ўқитувчиларидан 100 минг киши ана шу талаблар билан майдонга чиқди. Кўмир саноати маркази — Ҳазарибогда 45 минг кончи иш ташлади. Амритсор ишчиларининг мардонавор кураши деярли уч ой давом этди. Бу курашда 18 минг киши иштирок қилди.

Индонезия ишчилар синфи иқтисодий талаблар билан бир каторда, сиёсий талаблар ҳам қўймоқда: чет эл монополияларига қарши ягона халқ фронти тузиш, йирик корхоналарни, плантацияларни национализация қилиш, феодал-помешчикларнинг ерларини мусодара қилиб, уларни деҳқонларга олиб бериш каби талаблар қўймоқда. Индонезия ишчиларининг мустамлакачиларга қарши курашда тажрибаси жуда катта. 1957 йилда ишчиларнинг ташаббуси билан Голландиянинг Индонезиядаги деярли ҳамма корхоналари ишчиларнинг контроли остига олинди, сўнгра эса национализация қилинди.

Индонезия ишчилари инглизларга қарашли кўпгина корхоналарни национализация қилдилар ва маъмурият ихтиёрига топширдилар. Ана шу корхоналарда директорларнинг янги кенгашлари тузилмоқда. Бу кенгашларга мутахассислар, шунингдек касаба союз вакиллари аъзо бўлиб кирмоқдалар.

Цейлон ишчилар синфи муайян муваффақиятларни қўлга киритди. Цейлон ишчилари стачка курашини муттасил тўхтаси натижасида малакасиз ишчиларнинг иш ҳақини 9,3 процент, транспортчилар ва бошқа гуруҳдаги ишчиларнинг иш ҳақини 12,5 процент оширишга муваффақ бўлдилар.

Осиё пролетариати синфий жангларининг фронти борган сари кенгайиб, мамлакатнинг янгиданянги доираларини ўз ичига олмоқда. Эрон, Туркия, Ироқ, Сурия, Малайя, Покистон ва бошқа мамлакатларнинг пролетариати жиддий қийинчиликларга қарамай, ўз курашини кучайтирмоқда.

Биз бу ўринда ҳали тўла келтирмаган ана шу фактларнинг ҳаммаси Осиё мамлакатларида ишчилар ҳаракати тўхтовсиз ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Шарқ мамлакатларининг ишчилар синфи жаҳон социализм кучларининг янада мустаҳкамланиши натижасида ўзининг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун кураш олиб боришнинг қулай имкониятларига эга бўлиб қолди.

Осиё мамлакатларининг ишчилар ҳаракати олдида кўпгина қийинчиликлар турибди. Пролетариат етарли даражада уюшмаган, унинг синфий кураш олиб борши учун зарур тажрибаси ҳали кам. Империалистлар ва уларнинг гумаштаси ишчилар ҳаракатига раҳна солиш учун жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. Бироқ, қийинчиликларга қарамай, Осиёда ишчилар ҳаракати йил сайин ўсиб ривожланмоқда, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашнинг бутун боришига тобора кўпроқ сезиларли таъсир ўтказмоқда.

**М. ЮСУФХУЖАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.**

## ҚИСҚА САТРЛАР

### ЎҚУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Андижон область, Москва районидаги 13- мактаб Свердлов номли колхоз территориясида жойлашган. Қишлоқнинг Янгиобод, Қипчоқ ва Ўзунчекка участкалари мактабдан олисда бўлиб, ўқувчилар йоришда қийналишар эди. Колхоз правленияси буни ҳисобга олиб, ўқувчиларни мактабга олиб кетиш ва олиб келиш учун 3 та машинани бириктиб қўйди.

**И. ҚОДИРОВ.**

### ФИДОКОР СТУДЕНТЛАР

Хоразм Давлат педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси факультети студентлари Янгиариқ районидаги Аваз Ўтар номли колхозда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Моҳир теримчи-студентлардан Рўзиқа Қурбонова, Ойимжон Машарипова, Тоғингул Абдуллаева, Курбонбой Оллоёровлар кунига 140-150 килограммдан «оқ олтин» йиғаётирлар.

**Р. ШАРИПОВ,**
**С. БОТИРОВА.**

## СОВҒА

Киров районидаги «Партия XX съезди» совхозининг ихтисослаштирилган «Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» бўлими чорвадорлари Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги ва партия XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, давлатга сут сотиш йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажардилар.

Адолатхон Абдураҳмонова, Умидаой Эргашева, Ҳувайдахон Тиллаева ва Рўзибиби Умарова ўртоқлар сингари моҳир соғувчилар ўзларига биркитилган сигирларнинг ҳар биридан йил бошидан бери 1.100—1.150 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олдилар.

Ихтисослаштирилган бўлимда чорва моллар туғиши кўпайтиришда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Чорвадорлар ҳозиргача 264 бош сигирдан 234 та бузоқ, чўчқалардан 1.696 ўрнига 1.722 та бола олдилар. Йил охиригача эса сигирлардан яна 50 та бузоқ ва чўчқалардан 450 та чўчка боласи олиш кўзда тутилмоқда. Бу соҳада Мираҳмад Мирзалиев, Ҳамиджон Умаров, Қаюмжон Ғойибназаров ўртоқлар сингари молбоқарлар ва Абдуллажон Каримов, Алексей Попов ўртоқлар сингари чўчқабоқарлар ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Бўлим ишчилари давлатга бошқа хил чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришда ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар.

**Т. МАҲМУДОВ,**
**Фарғона области.**

## СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

### «УЯТ ЭМАСМИ?»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил июнь ойи сонларидан бирида ахлоқ темаси рубрикаси остида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Қўрғонтепа районидаги Улуғбек номли 2- ўрта мактаб директори Ҳамид Мусаевнинг совет педагогига хос бўлмаган, номуносиб хатти-ҳаракатлари қаттиқ танқид қилинган эди.

Шу муносабат билан Андижон область партия комитети мактаблар бўлимидан қуйидаги жавоб олинди:

Текширишда мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Текшириш якуни Қўрғонтепа район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилиниб, Х. Мусаевга виговор эълон қилинди. Мактабда таълим-тарбия ишларини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

## ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРДА

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

### КОНГО (БРАЗЗАВИЛЬ)

**Кўпгина газетхонлар Африкада қандай қилиб номи бир хил бўлган иккита Конго давлати вужудга келди, деб сўрамоқдалар. В. Кузнецовнинг қуйида босилаётган мақоласи ана шу саволга жавоб беради.**

